



ТОШКЕНТ

Ҳақсевар, онв юрт, мангу бўл вбод!

ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

• 2001 йил 27 октябрь, шанба • №87 (11.372)

Эркин нархда сотилади

МАҚСАД – АФҒОН ХАЛҚИГА ЁРДАМ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган БМТ Бош катибининг ўринбосари Кенза Ошима бошчилигидаги делегация аъзолари оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди.

Делегациянинг Марказий Термиз шаҳри орқали ўтказилган Осиё минтақасидаги миссиясидан кўзланган мақсад халқаро ҳамжамият томонидан инсонпарварлик ёрдами сифатида Афғонистон халқи учун ажратилаётган зарур маҳсулотларни манзилга етказишда Ўзбекистон, Туркменистон ҳамда Тожикистон билан ҳамкорлик масалаларини яна бир карра мувофиқлаштириб олишдан иборат.

Куни кеча Ўзбекистон раҳбарияти билан ўтказилган музокараларда айни шу масала муҳокама қилинди. Ўзбекистон ҳукумати БМТнинг уруш исканжасида азоб чекаётган афғон халқига ёрдам бериш борасидаги саъй-ҳаракатларини тўла қўллаб-қувватлашини билдирди.

Матбуот анжуманида К.Ошима ўтказган музокаралари ҳақида гапирар экан, Ўзбекистон БМТ бу хайрли ишни амалга ошириши учун мамлакат ҳудудидан фойдаланишига рози бўлганини алоҳида мамнуният билан қайд этди. Режага кўра, юллар Афғонистон заминига

Термиз шаҳри орқали ўтказилди. Шунингдек, БМТга қарашли транспорт самолётлари Термиз аэропортидан ҳам фойдаланади.

Бироқ, ҳали бу операцияни амалга оширишнинг тўлиқ механизми ишлаб чиқилганича йўқ. Шу боис, унинг муддати ҳам маълум эмас. БМТ вакиллари айтадики, озиқ-овқат ва кийим-кечакни иложи бори-ча тезроқ, қиш киргунга қадар афғон қочқинларига етказиб беришга ҳаракат қилинади.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистон ҳудудидан умумий ҳисобда 16 минг тоннагача юк ўтказилиши кўзда тутилмоқда.

Анжуманда таъкидланганидек, Афғонистоннинг Марказий Осиё минтақасига чегарадош шимолий ҳудудларида уч миллион киши яшайдиган бўлса, шуларнинг ярми қийин аҳволда қолган қочқинлардир. Уларга ёрдам бериш учун минтақа давлатлари билан ҳамкорликда иш кўриш БМТнинг инсонпарварлик миссияси тез ва самарали амалга ошишини таъминлайди. БМТнинг Озиқ-овқат дастури маълумотларига кўра, айни пайтда Афғонистонга ҳар куни 1,5 минг тоннагача озиқ-овқат етказиб берилмоқда.

(ЎЗА).

ТЕРРОРЧИЛИК – АСР ВАБОСИ

Куни кеча кўшним билан суҳбатда бўлиб қолдим. Гапимиз айланиб келиб, афғон тупроғидаги воқеаларга тақалди. «Бунча куюнмасангиз, — деди кўшним, — биздан жуда ҳам олисда-ку, бу террорчи деганларинг. Подадан олдин чанг чиқараверасизларми?» Шунда, рост, дилим сал ранжиди. Ахир кўшнимиз тинч бўлса, бизнинг ҳам тинчлигимиз барқарор бўлмайди? Оддий бир ҳолат. Маҳалладаги икки бебош шовқин-сурон кўтарса, ўнлаб хонадонларнинг тинчи бузилади. Турмушдан барака кетади. Террорчилар бугун бутун дунёга ташвиш орттирмоқдалар, уларнинг ниятлари ҳаммага кундек равшан бўлиб турипти. Йўқ, уларнинг разил ишлари ўзларининг бошларига етади.

«Душманинг қилча бўлса, сен филча бўлиб кураш», дейди халқимиз. Террорчиларни таг-томири билан юлиш бу битта давлатнинг иши эмас. Бу ҳаммамизнинг ишимиз. Мана шунинг учун ҳам жаҳондаги юзлаб давлатлар ҳамфигр, ҳамкор бўлиб, асримиз вабосига қарши кураш олиб бормоқдалар. Бу курашдан четда қолиш виждонли инсонга хос эмас. Болаларимиз тинчгина таълим олсин, замонасига мос фарзандлар бўлиб улғайсин. Мен бир фахрий муаллим сифатида террорга, террорчиларга берилаётган зарбалар янада кучли бўлишининг тарафдориман. Бизнинг қалбимизда тўлиб-тошган нафратимиз ҳам террорчиларнинг бошига тош бўлиб ёғилиши шубҳасиз.

Асом ЗИЁМАТОВ,
фахрий муаллим, Паркент тумани, Чанги қишлоғи.

ХУШЁР БЎЛ, ФАРЗАНД

Тошкент тумани ҳокимлиги, шунингдек, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, вояга етмаган ёшлар билан ишлаш комиссияси, «Соғлом авлад учун», «Маҳалла» жамғармаларининг туман бўлимлари ўзаро ҳамкорликда «Огоҳликка даъват» мавзусида ёшлар билан мулоқот ўтказдилар.

Абдурахмонов номли ширкат хўжалигидаги 10-мактабда бўлиб ўтган ушбу тадбирда, бугунги кунда ёшлар ўртасида жиноятчилик, гиёҳвандлик ҳоллари ҳамда турли оқимларга қўшилиб кетишнинг, бугунги кунда бўй кўрсатаётган оқибатлари

муҳокама қилинди. Шунингдек, терроризм мавзусига алоҳида тўхталиб ўтилди. Айни кунда атрафимизда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга баҳо берилди ва ёшларни хушёрликка даъват этилди.

Ўз мухбиримиз.

САҲОВАТИНГ БУТУН БЎЛСА...

Янгийўл шаҳрида 2,5 мингдан ортиқ ногиронлар истиқомат қилади. Улардан 500 нафари болалардир. Шаҳар ногиронлар жамияти ҳомий ташкилотлар ёрдамига суянган ҳолда, бундай кишиларнинг оғирини енгил қилиш учун ҳаракат қилмоқда.

Кейинги йилларда жамиятнинг саъй-ҳаракатлари ва ҳомийларнинг саҳоватлари туфайли уларга 22 тонна шакар, 25 тонна ўсимлик ёғи, 13 тонна совун ва 6 тонна гуруч, шунингдек, кўплаб озиқ-овқат маҳсулотлари арзон нархларда етказиб берилди.

Шаҳарда меҳрибонлик чойхонаси, новвойхона, 2та озиқ-овқат дўкони, пойабзал таъмирлаш ва бошқа зарур ишларни бажарадиган устахоналар ногиронларга беминнат хизмат кўрсатмоқда.

Зухра ҲАЙДАРОВА.

Бугунги сонда:

УЗОҚНИ ЯҚИН,
ОЎИРНИ ЕНГИЛ
ҚИЛАЁТГАНЛАР

2-бет

«АВЕСТО»
БУЮК
НАМУНА

3-бет

«БОЗОР
КЎРГАН»
ЧОПОНЛАР

6-бет

ХАТЛАРДА
КЕЛГАН
БАЛО

7-бет

ХАЙР,
УЙҚУСИЗЛИК

8-бет



Тошкент вилояти далаларида кузги дон экиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Келгуси йилда 127 минг гектар майдонда бошоқли дон етиштиришга аҳд қилган галлакорлар ҳозиргача суғориладиган майдонларнинг 106 минг гектарига уруғ сочди.

Галла эккан барака топади

Дастлаб экилган пайкаллар эса аллақачон майсалаб қолди. Айни кунларда мавжуд 183 экиш сеялкаси лалмикор ерларга олиб чиқилган. Улар ёрдамида кунига икки минг гектардан ортиқ ерга бугдой экилмоқда. Пскент, Оқўрғон, Охангарон, Чиноз, Янгийўл туманларида бу борадаги ишлар, айниқса уюшқоқлик билан ташкил этилапти.

– Галла майдонларини яна 4,5 минг гектарга кенгайтиряпмиз, – дейди вилоят агросаноат мажмуи масалалари бўйича котибият мудири Қ. Пайзиев. – Шунга мувофиқ келгуси йилда вилоятимиз хўжаликларида салкам 453 минг тонна бошоқли дон етиштиришни, шундан 257 минг тоннасини давлатга сотишни мўлжаллаб турибмиз. Бундан ташқари 18,2 минг тонна сара уруғ тайёрлаймиз.

Вилоятда кузги галлани оби-тобида экиб олишга қандай эришилмоқда? Айтиш керакки, маҳаллий ҳокимликлар, мутасадди корхона ва хўжаликлар мавсумга тайёргарликни анча барвақт бошладилар. Хусусан, жорий йил ҳосилидан ўн минг тонна сара уруғлик жамғарилди. Экиш техникаси пухта ҳозирланди. Энг асосийси, тармоқда олиб борилаётган ислохотлар ўзининг қутилган самарасини бера бошлади. Моддий манфаатдорлик оширилиши деҳқонда ғайрат-шижоатни жўш урдириб юборди. Хусусан, жорий йилда шартнома-режасидан ортиқча етиштирилган 126 минг тонна дон деҳқон оилалари ихтиёрида қолди.

рилди. Қ. Пайзиевнинг қайд этишича, бир талай оилавий пудратчилар вилоят тарихида илк бор 60-80 центнердан ҳосил етиштиришга эришди.

– Галлачилик деҳқоннинг катта даромад манбаига айланиб қолди. Бугун дон эккан, эл-юртга ризқ-рўз улашган одам кам бўлмайди, – дейди юқоридаги фикрни тасдиқлаб Паркент тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари Тўйчи Фуломов. – Рост, далада ишнинг янги таъкил этилаётгани, манфаатдорликнинг юқорилиги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хусусан, галла етиштиришни кўпайтиришга сабаб бўлаётир. Бугунги деҳқон эндиликда кетмондан ҳам кўра қаламга кўпроқ суянапти. Чунки, аввало ҳисоб-ки-тоб билан иш юритиш муваффақият калити эканлигини англаб етди.

Туманимизда бу йил салкам 20 минг тонна галла етиштиришга муваффақ бўлинди. Давлат омборларига ҳам 9 минг 570 ўрнига 10 минг 670 тонна дон етказиб берилди. Яъни, суғориладиган ҳар гектар ердан ўртача 50 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Шу тариқа галлачиликнинг ўзидан 723 миллион сўм даромад кўрилди. Соф фойда эса 234 миллион сўмни ташкил этди.

Бир сўз билан айтганда, бугун дон эккан, уруғни оби-тобида сепаиб олган асло ютқазмайди. Пойтахт вилоятида ана шунга амал қилинаётгани қувонарлидир.

Неъмат ДУШАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Эртага автотранспорт ходимлари куни

УЗОҚНИ ЯҚИН,
ОҒИРНИ ЕНГИЛ
ҚИЛАЁТГАНЛАР

Автотранспортчилар меҳнатини таърифлашда кўпинча ана шундай жумлани ҳам тилга олади. Бу бежиз эмас, албатта. Ҳозирги вақтга келиб ҳаётимизни, халқ ҳўжалигини автотранспортсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

У беминнат дастурга айланган. Узоғимизни яқин, оғиримизни ёнгил қилади. Шунинг учун ҳам бу касб эгалари мустақил мамлакатимизда доим эъзозланиб келинмоқда. Ҳар йили умумхалқ байрами сифатида октябр ойининг тўртинчи яқшанбасида нишонланадиган автотранспорт ходимлари кунининг таъсис этилиши ҳам, бунинг ёрқин далилидир.

Ҳозирги вақтда вилоятимиз шаҳарлари ва қишлоқларида

ўнлаб автокорхоналар ишлаб турибди. Уларнинг жамоалари халқ ҳўжалиги юкларини белгиланган манзилларга етказиб бермоқдалар, йўловчилар хизматида бўлишпти. Кўпчилик жамоалар ўзларининг касб байрамларини муносиб меҳнат ютуқлари билан нишонламоқдалар. Уларнинг бири Ангрендаги 72-автокорхонадир. Унинг ташкил этилганига салкам ярим аср бўлди. Шу давр мобайнида асосан кўмир са-

ноати корхоналарига хизмат қилиб келмоқда.

Корхона жамоаси ўтган йили 1 миллион 913 минг тонна халқ ҳўжалик юкларини ташиб, 263 миллион сўмдан кўпроқ даромад олган эди. Улар жорий йилда янада юксак марраларни эгаллаш учун курашмоқдалар. Шунинг учун ҳам ойлик режаларни доим ошириб адо этишяпти. Корхона транспортчилари ўзларининг касб байрамларини салмоқли меҳнат совғалари билан кутиб олмақдалар. Бунда ишлаб чиқариш илғорларининг катта ҳиссалари бор. Қирқ йилдан бери ўзининг ҳайдовчилик касбини ардоқлаб келаётган Абдусаттор Норбоев, Эргаш Матибрагимовлар, уларнинг издошлари Низомжон Маматов, Ботирали Қўшматов, Мустафо Абдиев, Валерий Панов ва бошқа ўнлаб ҳайдовчилар шулар жумласидандир.

Осойишталик посбонлари

БЕКОБОДДА ЯНА
БИР ТАЯНЧ
МАСКАНИ

Бекобод шаҳрида замонавий техника воситалари, компьютерлар билан жиҳозланган ҳамда волейбол ва баскетбол майдончасига эга бўлган 4-сонли милиция таянч масканининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда вилоят ички ишлар бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш хизмати ходимлари, ИИБ шаҳар ва туман бўлимлари раҳбарлари, «Тинчлик» ва Ал-Хоразмий номли маҳаллаларнинг оқсоқоллари ва фаоллари иштирок этдилар.

Бугунги кунда вилоятимиз ички ишлар бошқармасининг катта саъй-ҳаракатлари туфайли шаҳар ва туман ички ишлар бўлимлари фаолиятида ўзгаришлар юз бераётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бу борада, айниқса, жойларда кўплаб милиция таянч масканларининг қад кўтараётганлиги ички ишлар идоралари ходимлари ҳаётида муҳим роль ўйнамоқда. Таянч пунктлари нафақат бевосита жиноятчиликнинг олдини олиш, балки, ички ишлар ходимлари билан фуқаролар ўртасида алоқаларни жонлантириш, маданий дам олиш, маънавий, ахлоқий ва ҳуқуқий тарбия, турли спорт турлари билан шуғулланиш марказларига айланиб бораётир.

Шу кун 4-сонли милиция таянч масканининг очилиш маросимида ҳам оддий одамлар ва ички ишлар идоралари ходимларининг яқдиллиги, ҳамкорлиги яққол кўзга ташланиб турганлигини айтмасак бўлмас.

— Одамлар тинчлик ва хотиржамликларини кўриқловчи милиция ходимларига ҳамиша ишониб келганлар ва шундай бўлиб қолади, — деди биз билан суҳбатда «Тинчлик»

махалласи фуқаролар йиғини раиси Назиржон Эгамбердиев.

Бу ерга таширф буюрганлар иштирокида ўтказилган анжуманда вилоят ички ишлар бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлигининг ўринбосари Меҳмонхўжа Собиров, Бекобод шаҳар ҳокими Жалолиддин Насриддинов, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари Абдуқодир Раҳимжонов, «Бекобод-цемент» акциядорлик жамияти раҳбари Умар Дадабоев, «Тинчлик» ва Ал-Хоразмий маҳаллалари таянч маскани жамоат тартибини сақлаш инспектори, милиция старшинаси Ўрозали Фозилов ва бошқалар дил сўзларини изҳор этдилар. Улар ички ишлар идоралари ходимларига кўрсатилаётган ғамхўрликларга муносиб бўлиш ҳар бир милиция ходимининг, ҳар бир фуқаронинг асосий бурчи эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Шундан сўнг қурилишда намуна кўрсатган шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари ҳамда қурувчилар вилоят ИИБ бошқармасининг пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар. Мукофотларни вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Шораҳим Расулов ва Бекобод шаҳар ҳокими Жалолиддин Насриддиновлар топширдилар.

Шавкат ҚУЛИБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
махсус мухбири.



Ушбу суратларда корхона илғор ҳайдовчиларидан Илҳом Саматов (чапдан), Фазлиддин Маҳкамов, Валерий Панов ва Нишон Юсуповларни кўриб турибсиз. Даврон АХМАД олган сурат.

Мавзуга қайтиб

НОАНИҚЛИК
ҚАЧОНГАЧА?

Облик, Гулбоғ, Фафур Фулом номли қишлоқларда мана бир неча йилдирки, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш уйи фаолият юритмайди. Ушбу қишлоқларнинг аҳолиси ҳатто сартарошхонадан тортиб, пойафзал тузатишгача саккиз километр узоқликдаги Ангрен шаҳрига қатнайди.

1991 йили ушбу маиший хизмат уйи раҳбари Раҳматулла Душаев қўл остидаги ушбу масканни ўз ўғли Дилмурод Душаевга хусусийлаштириб берди. Шундан сўнг у бироз ишлаб қуриб, кейин ёпилиб қолди. Мана, қарийб ўн йил бўлдики, аҳолининг арз-дод билан бормаган ташкилоти қолмади. Бу ҳақда «Ангрен ҳақиқати», ҳатто «Тошкент ҳақиқати» газеталарида ҳам танқидий мақола-лар эълон қилинган эди. Шунга қарамай, шаҳар ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотлар тарафидан бирон-бир чора кўрилгани йўқ. Хануз маиший хизмат уйининг эшиклари қулф.

Уйлаймизки, бу сафар Ангрен шаҳар ҳокимлиги ҳамда ушбу ишга мутасадди бўлган идоралар аҳолига катта қийинчилик туғдириб келаётган бу муаммонинг ечимини топиш учун керакли чора-тадбирларни амалга оширадилар.

Тоша ШЕРАЛИЕВ,
меҳнат фахрийси.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА
ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали Сиз азизларни 2001 йил 5, 12, 19 декабрь кунлари соат 11.00да ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларига таклиф этади.

Савдога қуйидагилар қўйилади:

1. Тошкент вилояти 1-сон клиника шифохонасига қарашли Баркас СМП-316 русумли давлат рақами 11 AF 943 бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, таъмирталаб автотранспорт.

Бошланғич баҳоси — 273000 сўм.

2. Тошкент вилояти 1-сон клиника шифохонасига қарашли ГАЗ-24 русумли, давлат рақами 11 АВ 606 бўлган, 1974 йилда ишлаб чиқарилган, таъмирталаб автотранспорт.

Бошланғич баҳоси — 167800 сўм.

3. Тошкент вилояти табиотни муҳофаза қилиш қўмитасига қарашли ГАЗ-31029 русумли, давлат рақами 00-48 ТНС бўлган, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, таъмирталаб автотранспорт.

Бошланғич баҳоси — 671100 сўм.

4. Бўстонлиқ тумани «Сувоқова» ишлаб чиқариш корхонасига қарашли Москвич-2141 русумли, давлат рақами 11 AD 511 бўлган, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, таъмирталаб автотранспорт.

Бошланғич баҳоси — 280400 сўм.

5. Бўстонлиқ тумани, «Хумсон» ширкат ҳўжалиги ҳудудида жойлашган сатҳи 400 кв.м. бўлган 12та ер майдони.

Ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси — 41064 сўм.

Шунингдек, автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялар харид қилмоқчи бўлган чет эл инвесторлари ва маҳаллий ишбилармонлар диққатига:

Тошкент вилоятида жойлашган қуйидаги объектлар республика кўчмас мулк биржаси марказий аппаратининг савдоларига қўйилган:

1. Олмалик шаҳар, Бўстон кўрғонига жойлашган Олмалик

АГНКС.

Бошланғич баҳоси — 259,334 АҚШ доллари (Устав фондининг 75 % савдога қўйилган).

2. Бекобод шаҳри Сирдарё кўчасида жойлашган Бекобод АГНКС.

Бошланғич баҳоси — 272,223 АҚШ доллари (Устав фондининг 75 % савдога қўйилган).

3. Тошкент вилояти Янгийўл шаҳри Гулбахор кўрғонига жойлашган автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси.

Бошланғич баҳоси — 285 865,4 АҚШ доллари.

4. Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Байтқўрғон кўрғонига жойлашган АГНКС.

Бошланғич баҳоси — 234 174,9 АҚШ доллари.

5. Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида жойлашган «Хўжакент» пансионоти.

Бошланғич баҳоси — 1 042,5 минг АҚШ доллари.

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг 2001 йил 29 августдаги 68-сонига босилган кўчмас мулк объектларини сотиб олувчилар мулкни харид тўловларидан ташқари мулкни баҳолаш ишлари учун белгиланган хизмат ҳақи тўланишига эътибор қаратилсин.

Шунингдек, аввалги савдоларда қўйилган ва сотилмай қолган, бекор қилинган ер майдонлари, автотранспорт воситалари ва бошқа кўчмас мулк объектлари ушбу савдоларда сотилиши мумкин.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 17-уй, вилоят ҳокимияти бинасининг чап қаноти. Тел: 133-28-52, 133-77-18; факс: 132-00-37.

«Авесто»нинг 2700 йиллиги олдида

Энг қадимги динлардан бири зардуштиликнинг ноёб китоби «Авесто» жаҳон маънавияти-маданияти тарихида муҳим ўрин эгаллайди. Шу боисдан ҳам ЮНЕСКОнинг 1999 йил ноябрь ойида Парижда бўлиб ўтган 30-сессиясида «Авесто» китоби яратилганлигининг 2700 йиллигини дунё миқёсида кенг нишонлаш ҳақида қарор қабул қилинди.

«АВЕСТО» БУЮК НАМУНА



Дунё олимларининг таъкидлашича, «Авесто» Марказий Осиё ҳудудида, аниқроғи Хоразмда пайдо бўлган. Буни кейинги ўн йиллар давомида олиб борилган археологик тадқиқотлар ҳам исботлаб турибди.

Зардуштийликда юксак кадрланган олов, ер, сув ва ҳавони эъзозлаш одатларининг диний-маросимий излари Ўзбекистоннинг бронза асрига оид кўплаб ёдгорликларидан топилди.

«Авесто» - бронза асри ва темир асрининг бошлари (миллоддан аввалги II минг йиллик - I минг йиллик бошлари)га оид тарихий воқеликларни ўзида мужассам этган энг қадимги тарихий ёзма манбадир. Унда минг йиллар давомида тўпланган диний, фалсафий аъёнлар йиғилиб, миллоддан аввалги VIII-VII асрларда муайян тизимга келтирилган. Оғзаки авлоддан-авлодга узатиб келинган матнлар хатга туширилиб, тартибга солинган. Бу воқеа аждодларимиз тарихида туб маданий-маънавий бурилиш бўлган. «Авесто»-

нинг дастлабки китоб ҳолидагиси македониялик Александр истилоси даврида йўқ қилинган. Халқ хотираси китобни яна бир неча бор тиклаган. Ниҳоят, миллодий VI асрда «Авесто»ни ёзиб олиш учун махсус алифбо яратилганлигини профессор М. Исҳоқов ўз асарларида ҳам таъкидлаб ўтган.

Тарихий жараёнлар тақозоси билан минг йиллар давомида «Авесто» китобига қарши жуда кўп марталаб тазйиқлар бўлган. Айниқса, VII-VIII асрлар араб истилоси даврида зардуштийлик ва «Авесто» бошига янги кулфатлар тушган. Бироқ, шунчалик катта қийинчилик ва тазйиқларга қарамаддан «Авесто» яшади ва бундан буён ҳам асрлар оша абадий инсоният тараққийнинг илк ёзма манбаи сифатида ўрганилади, эъзозланади.

«Авесто» яратилган давр хусусан, Хоразм ва Ўрта Осиё халқлари тарихида, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта бурилиш юз берган давр бўлди. Миллоддан аввалги иккинчи минг йиллик охири ва биринчи минг йиллик бошлари-

да ана шу ҳудудларда яшаган жамоалар орасида уруғ-қабилачилик муносабатлари инкирозга учраб, жамиятда табақаланиш ва давлатчилик вужудга келаётган эди. Ўша даврда аҳолининг кўпчилиги кўчманчиликдан ўтрок ҳаётга, деҳқончилик ва

бирга, уларда жисмоний ва ҳарбий тайёргарлигига алоҳида эътибор берилган.

Юртбошимиз Исроҳ Каримов таъкидлаганларидек: «Бу нодир китоб бундан XXX аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган ва аждодларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий-тарихий меросидир. «Авесто» айна замонда бу қадим ўлкада буюк маънавият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор эта олмайди». Дарҳақиқат, қомусий китоб, шу қадим ўлкада буюк давлатчиликка асос солинганлигидан, шу муқаддас диёр буюк маънавият ва юксак маданият марказларидан бўлганлигидан гувоҳлик беради.

Яқинда «Авесто» яратилганлигига бағишлаб ўтказилган тантаналар доирасида халқаро миқёсда илмий-амалий конференция бўлиб ўтади. Умубашарий мерос ва инсониятнинг буюк ёдгорликларидан бири сифатида унинг юбилей тантаналари асосан Хоразмда ўтказилади. Айни пайтда Урганч шаҳрида гўзал «Авесто» боғи барпо этилмоқда.

Бебаҳо «Авесто» китоби яратилганлигининг 2700 йиллигини нишонлаш ва уни чуқур ўрганиш билан боғлиқ бўлиб ўтадиган барча тадбирлар ўзбек халқининг, қолаверса бутун жаҳон халқлари маданий-маънавий тараққийоти янада юксалиши ҳамда умуминсоний ғоялар муштараклиги учун хизмат қилади.

Дилором БОБОЖОНОВА,
тарих фанлари доктори
Гулнода
Раҳимбергенова.

ФРАНКФУРТДА ЎЗБЕК КИТОБЛАРИ НАМОЙИШИ

Германиянинг Франкфурт шаҳрида 53-аънавий халқаро китоб кўргазмаси ўтказилди. Унда дунёнинг 110 мамлакатидан 7 минг 65та нашриёт ўз маҳсулотларини намойиш этди. Хусусан, ярмаркада мамлакатимиз нашриётлари ҳам 200дан ортиқ номдаги китоблари билан қатнашди.

— Бу халқаро тадбирда дунёнинг турли мамлакатларидан келган ноширлар, матбаачилар ва соҳанинг бошқа мутахассислари Ватанимиз тарихи, маданияти, санъатида оид китобларга катта қизиқиш билдирди, — дейди халқаро кўргазма иштирокчиси, «Маънавият» нашриёти директори Суннатилла Аҳмедов. — Айниқса, юртимиз мустақиллигининг ўн йили мобайнида эришган ютуқларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи ва сифат жиҳатидан матбаачиликнинг жаҳон андозалари асосида яратилган китобларимиз хорижликларнинг назарига тушди.

(ЎЗА).

ШИРКАТГА ИШОНСА БЎЛАДИ

Янгийўл шаҳар ободонлаштириш ва коммунал хизмат бўлими қошида ўн битта уй-жой мулкдорлари ширкати тузилган эди. Ширкатлар шаҳардаги мавжуд 200 та кўп қаватли уйи ўз тасарруфларига олди. Айни пайтда мазкур кўп қаватли уйлардан 4 таси тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилди, 143 тасида эса жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Шаҳар «Иссиқлик манбаи» корхонаси таркибидаги 13 та қозонхона ва иссиқлик узатиш тармоқларида капитал ҳамда жорий таъмирлаш режа асосида олиб борилмоқда. Жумладан, шаҳардаги Тошкент шохкўчасидаги иссиқлик узатиш тармоқларида изоляция қайта тикланди. Шунингдек, аҳоли зич жойлашган Шораҳмедов, Х.Эшонқулов ва Самарқанд кўчаларидаги иситиш тизими тўла таъмирдан чиқарилди.

Кузги-қишки мавсумга тайёргарлик борасида шаҳар «Сув-оқава» корхонаси ҳам муайян ишларни амалга оширмоқда. Шаҳар сув таъминоти ва канализация тизими қиш мавсумида беталофат ишлайди, деб таъкидлашмоқда соҳа мутасаддилари. Хусусан, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа объектларининг барчасига, шунингдек, мингга яқин хонадонга сув ўлчагич асбоблари ўрнатилди. 124 км сув қувурлари ва 38,5 км канализация тармоқлари қайта таъмирдан чиқарилди.

— Мавсумга тайёргарлик давомида мактабгача тарбия ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларига алоҳида эътибор қаратилди, — дейди шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Нормирзаев. — Шифокорларнинг ҳар йилги ташвиши бу йил анча қамқовчан бўлди. Марказий касалхона қозонхонаси жиддий таъмирланди. Қувурлар алмаштирилди. Бу ишлар учун шаҳар ҳокимлиги ҳисобидан қўшимча равишда 1 миллион 400 минг сўм маблағ сарфланди.

Л. СУВОНОВ,
ЎЗА мухбири.

НУРЧИЛАР МАВСУМГА ТАЙЁР



«Кўмир-энерго» акция-дарлик жамияти Ангрендаги кўмир

корхоналарини мунтазам равишда электр қуввати билан таъминлашга ихтисослашган.

Корхона тасарруфида 35 минг ва 110 минг киловаттли ўн та электр қуввати етказиб берувчи кичик станциялар ишлаб турибди.

Бу ерда қишки мавсумга тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилди. Жумладан, жойларда юқори малакали таъмирлаш ишлари олиб борилди, симёғочлар ва симлар алмаштирилиб, капитал таъмирланди.

Энди ангренлик кўмирчиларга қиш палласида ҳам узлуксиз равишда электр қуввати етказиб берилади, дейишмоқда нурчилар.

Мунаввара ИСОКУЛОВА.

Вилоят ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари, амалга оширилаётган қатор саъй-ҳаракатларга қарамай, жойларда содир бўлаётган бахтсиз ҳодисалар сони камаймаяпти.

Айниқса, фуқаролар уйларида рўй бераётган фожеалар ҳаммани ташвишга солмоқда. Энг аянчлиси, неча йиллар давомида пешона тери билан йиғилган мол-мулк бир неча дақиқадаёқ кулга айланиши билан бирга одамларнинг ҳам ҳалок бўлаётганидир.

Шу йилнинг 9 ойи мобайнида вилоятимизда 1428та ёнғин содир бўлди. Шундан 860 таси фуқаролар хонадонларида рўй берди. Ёнғин оқибатида 17 нафар фуқаро ҳалок бўлиб, 69 фуқаро тан жароҳати олди.

Ҳозирги кунда бизни ташвишга солаётган асосий муаммолардан бири газ мосламаларининг носозлиги ёки улардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши натижасида содир бўладиган ёнғиндир.

Айрим фуқароларимиз газ мосламаларининг носозлигини била туриб, улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этмайдилар, бепарволик қилиб, эҳтиётсизлик ва эътиборсизликка йўл қўядилар. Бу эса, аксарият ҳолларда ўнглаб бўлмас оқибатларнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Ёнғин билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалардан сақланиш, ёнғиннинг олдини олиш ва унга йўл қўймаслик мақсадида Тошкент вилояти ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси қуйидагиларни тавсия этади:

— газ билан иситиладиган печларнинг соз ҳолда ишлашини мунтазам равишда назорат қилиб туриш, тунда уларни ўчириб қўйишни унутманг;

— ясама ва носоз бўлган иситиш мосламаларидан умуман фойдаланманг;

— газ мосламаларидан фойдаланишни ёш

01 — огоҳлантиради

ОЛОВ БИЛАН ЎЙНАШМАНГ

болаларга ишониб топширманг, иложи борица уларни уйда ёлғиз қолдирмасликка ҳаракат қилинг;

— газ плиталаридан хонани иситиш мақсадида фойдаланманг;

ёниб турган газ плитаси устида кир қуритманг; — газ ёнаётган хонадаги шамоллатиш мосламаларини беркитиб қўйманг, хонани тез-тез шамоллатиб туриш;

— газ хидини сезсангиз, учкун чиқарувчи мосламаларни (чироқни ёқувчи мослама, телевизор ва ҳ.к.) ёқманг. Оила аъзоларингизни хонадан чиқариб, дареза ва эшикларни очган ҳолда хонани шамоллатиб, дарҳол қўшни хонадондан (хавфсиз жойдан) газ идораларига ҳабар беринг;

— кечаси ёки уйдан кетиш олдида газ жўмрагини беркитишни унутманг;

— газ мосламаларида резина шланглар улаб, бошқа мақсадларда фойдаланманг;

— агарда газ ёки иситиш мосламаларини ўрнатмоқчи бўлсангиз, газлаштириш идоралари ходимларидан рухсат олиб, мутахассислар орқали амалга оширинг.

Оловдан эҳтиёткорлик билан тўғри фойдаланиш ҳар бир инсоннинг ўз қўлида. Ҳамма вақт ёнғиннинг олдини олиш қоидаларига риоя этиб, лоқайдликка чек қўйсаккина ҳар бир кунимиз тинч ва осуда ўтади. Ўт балосига учрамаслик учун ҳамиша ҳушёр бўлайлик, хавфсизлик қоидаларига амал қилайлик.

Фаҳриддин АБДУМАВЛОНОВ,
вилоят ИИБ Ёнғин хавфсизлиги
бошқармаси
муҳандиси, ички хизмат капитани.

Dushanba

29

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».
*
8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Санъат ошиси».
9.10, 10.35 ТВ метео.
9.15 «Ранглар жило-си».
9.35 «Шарки ва Жорж». Мультсериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.30 «Кичик оролчадаги саргузаштлар». Бадий фильм.
11.35 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.05 «Шохрух клуби».
12.25 Телевизион миниатюралар

театри.
12.55 «Олам». Телеальманах.
13.30 Тазквандо бўйича Ўзбекистон кубоги.
14.10 ТВ-1 намоиш этади.
14.25 Кундузги сеанс: «Товламачи». Бадий фильм.
15.55 ТВ анонс.
16.00 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
16.25 «Зиё» студияси намоиш этади: «Этикод мустаҳкамлиги йўлида».
16.55 М. Шайхзода «Мирзо Улуғбек». Телеспектакль премьераси. 1-қисм.
18.10 «Танафус». Мультфильм.
18.20 «Ўзбекистон фуқароси».
18.35 «Тафсилот».
18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёлонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртакла-ри.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ахборот плюс».
21.15 Ўзбекистон халқ артистлари.
21.35 «Аср муаммоси». 1-қисм.
22.05 «Маънавият» дастури.
22.35 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.
«Трактор» — «Нефтичи».
23.20 «Ахборот».
23.55-00.00 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
9.40 Кўрсатувлар дастури.
9.45 «Давр тонги».
10.45 Якшанбада кўришгунча.
11.00 «Давр ҳафта ичида».
11.40 «Янги авлод» студияси: «Ким эпчил-у, ким чаққон».
12.05 Мультмоша.
12.20 «Ёшлар ва маънавият».

12.35 «Давр»-news.
12.55 «Автосалтанат».
13.10 Олимжон Салимов. «Боз, Масҳара-боз». Республика Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
14.25 «Заковат» интеллектуал ўйини.
15.15 «Ишбилармон кишилар». Бадий фильм.
16.05 «Кусто команда-сининг сувости саргузаштлари». Телесериал.
16.50 «Дўст кулфатда билинади». Бадий фильм.
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» почтаси.
18.20 Спорт ҳафтано-маси.
18.35 Ўзбегим кураши.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Тафаккур ёлқин-лари.
19.55 Эрта сўнган

юлдузлар.
20.15 Эски альбомдан.
20.20 Ёшлар овози.
20.40, 21.15, 22.35 Ёлонлар.
20.45 «Аёл зоти».
Бадий фильм.
21.20 Буюк аждодлари-миз.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Иқтисод-news.
22.40 «Филип Марлоу». Телесериал. 1-қисм.
23.05 «Ёшлар» телека-налида спорт: Интер-футбол. (Танафус пайтида - 23.50 «Давр». Ахборот дастури).
00.50-00.55 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканал
7.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болажонлар экранни. «Кундуз амакининг ҳикоялари».
1-2 қисмлар.
18.30, 20.00, 21.30,

23.25 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
19.30, 21.05, 22.15 «Экспресс» телегазе-таси.
19.45 «Биласизми?»
20.20 ТТВда сериал: «Селеста».
21.20 «Долзарб мавзу».
21.45 Алишер Навоий ҳақида ривоятлар.
«Шахзода Ғариб Мирзо». 8-қисм.
22.30 «Халқ саломатли-ги йўлида».
22.55 «Биринчи бўса».
Қисқа метражли бадий фильм.
23.45 Кинонигоҳ.
«Эдемга қайтиш». 11-қисм.
00.25-00.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
РЖТ 6.30 - 8.00
*
13.00.-14.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
14.00 Кўрсатувлар тартиби.
14.05 «Мультчархпа-лак».

14.30 CFI такдим этади: «22 - Бутун-жаҳон цирк фестива-ли».
15.00 «Рэй Бредбери театри». Сериал.
15.55 «Пласидо Доминго» концерти.
17.00 «Вести».
17.25 «Мухаббат қанотлари». Сериал.
18.10 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
*
18.25 М. Евдокимов ҳузурида меҳмонда.
19.00 «Мухаббат замини». Сериал.
20.00 «Мени кутгил».
21.00 «Время».
21.35 «Зарбдор куч-3». Сериал.
*
22.45 «ТВ-4да Немис тўлкини».
23.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
23.20 Кинематограф. «Орхидея вилласи». Бадий фильм.
00.50 Ахборот» (рус тилида)
1.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Seshanba

30

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Тош-кент».
9.05, 10.25 ТВ метео.
9.10 «ТВ - клуб».
9.35 «Шарки ва Жорж». Мультсериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Аср муаммоси». 1-қисм.
10.35 «Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузаштла-ри». Бадий фильм.
12.05 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
12.25, 15.50 ТВ анонс.
12.30 Жаҳон киноси юлдузлари.
12.50 «Ахборот плюс».
13.00 М. Шайхзода.

«Мирзо Улуғбек». Телеспектакль. 1-қисм.
14.10 «Кувноқ шаҳар-ча». Телевизион ўйин.
14.40 «Экспедиция». Телесериал. 19-қисм.
15.30 «Ўзингни, ўз ўйингни ўзинг асра!»
15.55 М. Шайхзода. «Мирзо Улуғбек». Телеспектакль пре-мьераси. 2-қисм.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Муми-тролл ва комета». Мультфильм премьераси.
18.25 «Орзулар дово-ни».
18.35 «Омад қувончи». Телелотерея.
19.05 «Мулк».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёлонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртакла-ри.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз

тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сиёсат олами-да».
21.25 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.
21.45 «23, 5 даражали бурчак остида».
Телесериал премьераси. 36-қисм.
22.10 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.
«Дўстлик» — «Сурхон».
22.55 «Ахборот».
23.30-23.35 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 Мультфильм.
9.45 «Янги авлод» почтаси, «Билагон маслаҳати».
10.00 Бизнес-академия.
10.15 «Йўлбарс ҳақида ҳақиқат». Хужжатли фильм.
11.05 Эрта сўнган юлдузлар.
11.25 «Ҳаётга қайтиш». Бадий фильм. 1-

қисм.
12.20 Ўзбегим кураши.
12.40 «Ҳақиқат чегара-си». Телесериал.
13.05 Ёшлар овози.
13.25 Интерфутбол.
15.00 «Аёл зоти».
Телесериал. 1-қисм.
15.30 Олтин мерос.
15.35 «Кусто команда-сининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
* * *
16.20 Кўрсатувлар дастури.
16.25 «Янги авлод» студияси: «Келинг, танишайлик», «Олтин калит».
16.55 Мультфильм
17.20 Таянч.
17.35 Олов билан юзма-юз.
17.50 Эски альбомдан.
17.55 «Оби ҳаёт».
Экологик журнал.
18.15 Минг бир маслаҳат.
18.30 Автопатрул.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 ТВ-анонс.

19.40 «Давр»-интервью.
19.55 Сифат белгиси.
20.05 Ҳазил соғинчи.
20.25 Ёшлар овози.
20.45 XX аср шеърят-тидан.
20.50, 21.25, 22.35 Ёлонлар.
20.55 «Аёл зоти».
Телесериал
21.30 Марду майдон.
21.50 Ватан ҳақида кўшиқ.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Иқтисод-news.
22.40 «Филип Марлоу». Телесериал 2-қисм.
23.05 «Ёшлар» телека-налида спорт дасту-ри.
23.45 «Давр». Ахборот дастури.
00.00-00.05 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканал
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болажонлар экранни. «Кундуз амакининг ҳикоялари».
3-4 - қисмлар.
18.30, 20.00, 21.25,

23.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
19.30, 21.10, 22.10 «Экспресс» телегазе-таси.
19.45 «Интер-спорт».
20.20 ТТВда сериал: «Селеста».
21.40 Алишер Навоий ҳақида ривоятлар.
«Лутфий ва Навоий». 9-қисм.
22.25 «Туризм ҳақида».
22.55 «Сени излаб».
Қисқа метражли бадий фильм.
23.50 Кинонигоҳ.
«Эдемга қайтиш». 12-қисм.
00.30-00.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
РЖТ 6.30- 8.00
*
13.00-14.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
14.00 Кўрсатувлар тартиби.
14.05 «Мультчархпа-лак».
14.30 CFI такдим этади: «XXII Бутунжа-

ҳон цирк фестива-ли».
15.00 «Рэй Бредбери театри». Сериал.
15.55 Аср афсонаси. «АББА» концерти.
16.55 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
17.00 «Вести».
17.25 «Мухаббат қанотлари». Сериал.
18.10 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
*
18.25 Қутқарувчилар. Тезкор ёрдам.
19.00 «Мухаббат замини». Сериал.
20.00 «Бўш ҳалқа». Шоу ўйин.
21.00 «Время»
21.35 «Зарбдор куч-3». Сериал.
*
22.45 «Х-Спорт».
23.00 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
23.15 Кинематограф. «Доктор Ивенсири». Бадий фильм.
00.25 «Ахборот» (рус тилида)
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Chorshanba

31

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Мусав-вир», «Бухоро — хунармандлар шаҳри».
9.20, 10.25 ТВ метео.
9.25 «Тиббиёт одимла-ри».
9.35 «Шарки ва Жорж». Мультсериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Бахтимизга омон бўлинг».
10.30 «Шимол ёғдуси-ни ёқинг». Бадий фильм.
11.45 «Қамолот сари».
12.05 «Сиёсат олами-да».
12.25, 13.55, 16.50 ТВ анонс.
12.30 М. Шайхзода.

«Мирзо Улуғбек». Телеспектакль. 2-қисм.
13.30 «23,5 даражали бурчак остида».
Телесериал. 36-қисм.
14.10 «Уйла, изла, топ!» Телемусобақа.
14.50 «Остонаси тиллодан».
15.10 Кундузги сеанс: «Изтопар». Бадий фильм.
16.35 «Бир сиқим тулпок».
16.55 М. Шайхзода. «Мирзо Улуғбек». Телеспектакль пре-мьераси. 3-қисм.
18.10 Болалар учун. «Кўзmunчок».
18.30 «Кумсоат».
18.45 «Аёл дунёни тебратар». Бадий — публицистик кўрсатув.
19.05 «Инсон ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёлонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртакла-

ри.
20.15 «Ватан мадҳи». Шеърин композиция.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ахборот плюс».
21.15 Санъат усталари-нинг концерти.
21.35 «Аср муаммоси». 2-қисм.
22.05 Кураш бўйича Ўзбекистон Президен-ти соврини учун халқаро турнир.
22.50 «Ахборот».
23.25 «Ғаройиб ҳамроҳ-лар». Теленовелла.
23.55-00.00 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 Мультмоша.
9.30 «Янги авлод» студияси: «Келинг, танишайлик», «Олтин калит».
10.00 «Давр»-интервью.
10.15 «Шерлар ҳақида ҳақиқат». Хужжатли фильм.
11.05 Таянч.
11.20 «Ҳаётга қайтиш». Бадий фильм. 2-қисм.

12.15 Ҳазил соғинчи.
12.35 «Ҳақиқат чегара-си». Телесериал.
13.00 «Ёшлар овози».
13.20 «Ёшлар» телека-налида спорт: Теннис.
14.00 «Кусто команда-сининг сувости саргузаштлари». Телесериал.
14.45 Автопатрул.
15.05 «Аёл зоти».
Телесериал.
15.35 Нур борки, соя бор...
15.55 Олтин мерос.
16.00 «Изтопар».
Бадий фильм.
* * *
17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабу-тар», «Дунё ва болалар».
18.00 Далил ва шарҳ.
18.15 «Мени тушун». Телеўйин.
18.45 Каталог.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Сийрат.
20.00 Спорт-лотто.

20.10 Очил дастурхон.
20.25 Ўзбек мумтоз шеърятитдан.
20.30 Чемпион сирла-ри.
20.50, 21.45, 22.35 Ёлонлар.
20.55 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Иқтисод-news.
22.40 Бонг.
23.10 «Филип Марлоу». Телесериал. 3-қисм.
23.35 «Ёшлар» телека-налида спорт: Интер-футбол. (Танафус пайтида - 00.20 «Давр». Ахборот дастури).
1.20-1.25 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканал
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болажонлар экранни. «Кундуз амакининг ҳикоялари».
5-6 - қисмлар.
18.30, 20.00, 21.35, 23.30 «Пойтахт».
Ахборот дастури.

18.45 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
19.30, 21.05, 22.30 «Экспресс» телегазе-таси.
19.45 2001 йил — Оналар ва болалар йили. «Аёл — она, мураббий, раҳбар» телеклуби.
20.20 ТТВда сериал: «Селеста».
21.20 «Сухбатдош».
21.50 Алишер Навоий ҳақида ривоятлар.
«Шахзода Ғариб Мирзо ва Навоий». 10-қисм (яқунловчи)
22.45 Бир қўшиқ тарихи. «Солнома».
23.20 «Спорт оламида».
23.50 Кинонигоҳ.
«Эдемга қайтиш». 13-қисм.
00.30-00.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
РЖТ 6.30 - 8.00
*
14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 «Мультчархпа-лак».

15.30 CFI такдим этади: «Байрамлар юрти».
15.55 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
16.05 «Рэй Бредбери театри». Сериал.
17.00 «Вести».
17.25 «Мухаббат қанотлари». Сериал.
18.10 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
*
18.25 Е. Петросяннинг Кулги панорамаси.
19.00 «Мухаббат замини». Сериал.
20.00 «Қим миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
21.00 «Время»
21.35 «Зарбдор куч-3». Сериал.
*
22.45 «Саёхатлар олами».
23.00 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
23.15 Кинематограф. «Уч ҳамроҳ». Бадий фильм.
00.40 «Ахборот» (рус тилида)
1.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Payshanba

1

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектеlevision»

намоиши: «Маъри-фат маскани». Премьера.
9.10, 10.20 ТВ метео.
9.15 «Аёл дунёни тебратар». Бадий-публицистик кўрса-тув.
9.35 «Шарки ва Жорж». Мультсериал.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Талаб ва тақлиф».
10.25 «Оналар ва қизлар». Бадий фильм.
12.05 «Яхшилар ёди».
12.25 ТВ анонс.
12.30 «Оламга саёхат». Киноқўрсатув.
12.50 «Ахборот плюс».
13.00 М. Шайхзода. «Мирзо Улуғбек». Телеспектакль. 3-

қисм.
14.10 Кураш бўйича Ўзбекистон Президен-ти соврини учун халқаро турнир.
14.55 «Кумсоат».
15.10 Эртақлар — яхшиликка етаклар.
15.50 «Аср муаммоси». 2-қисм.
16.20 Опера санъати саҳифаларида.
16.40 «Кавинтон Кросс». Телесериал. 4-қисм.

17.30 «Харита». Халқа-ро шарҳ.
17.45 «Шеър ва шуур».
18.10 «Бешбармоқ». Тележурнал.
18.30 «Яхши ният». Телелотерея.
19.05 «Хидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёлонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртакла-ри.
20.15 FCN «Ўзбекистон

янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сиёсат олами-да».
21.25 «Онажон, номинг дилимда».
21.45 «23, 5 даражали бурчак остида».
Телесериал премьераси. 37-қисм.
22.10 «Саҳна ҳаёти».
22.35 «ТВ-клуб».
23.00 «Ахборот».
23.35-23.40 Ватан

тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабу-тар», «Дунё ва болалар».
9.45 Спорт қитъаси.
10.15 Сенинг вақтинг.
10.35 Сийрат.
10.55 Ватан

▼ ҳақида қўшиқ. 11.00 Бонг. 11.30 «Мени тушун». Телеўйин. 12.00 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 12.25 Далил ва шарҳ. 12.40 Интерфутбол. 14.15 Сифат белгиси. 14.25 «Кусто команда-сининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 15.15 Оила тилсими. 15.35 Ўзбек мумтоз шеърятидан. 15.40 «Икки дил	достони». Бадий фильм. * * * 17.15 Кўрсатувлар дастури. 17.20 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус». 17.45 «Учинчи сайёра» маърифий дастури. 18.35 Табобат оламида. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.30 Иқтисод-news. 19.35 ТВ-анонс. 19.40 «Давр»-интервью.	19.55 Ватан манзаралари. Термиз шаҳри 2500 йиллигига бағишланади. 20.15 Ёшлар овози. 20.35, 21.10, 22.35 Ёлонлар. 20.40 «Аёл зоти». Телесериал. 21.15 Ватан ҳақида қўшиқ. 21.25 Бегойим. 21.45 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.30 Иқтисод-news. 22.40 «Филип Марлоу».	Телесериал. 4-қисм. 23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. (Танаффус пайтида - «Давр». Ахборот дастури). 00.50-00.55 Хайрли тун! «Тошкент» телеканал 17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара». 18.00 Болажонлар экран. «Кундуз амакининг ҳикоялари». 7-8 - қисмлар. 18.30, 20.00, 21.15,	22.50 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.45 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда». 19.30, 21.00, 22.35 «Экспресс» телегазетаси. 19.45 «Тошкент ва тошкентликлар». 20.20 ТТВда сериал: «Селеста». 21.30 «Бобур». Видеофильм. 1-қисм. 22.20 «Дурдона». 23.10 Кинонигоҳ. «Эдемга қайтиш». 14-қисм. 23.50-23.55 «Хайрли	тун, шаҳрим!» «Халқаро» телеканал РЖТ 6.30-8.00 14.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Рэй Бредбери театри». Сериал. 17.00 «Вести». 17.25 «Мухаббат қанотлари». Сериал. 18.10 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви. 18.25 «Биз анойи эмасмиз». Ҳажвий	журнал. 19.00 «Мухаббат замини». Сериал. 20.00 «Бўш ҳалқа». Шоу ўйин. 21.00 «Время» 21.35 «Олам бўйлаб». 22.20 «Соккер-клуб». 22.40 «Кино сайёраси». 23.00 Кинематограф. «Зорро». Бадий фильм. 1.05 «Ахборот» (рус тилида) 1.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»
--	--	---	---	---	--	---

JUMA 2 «Ўзбекистон» телеканал 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35, 17.55 ТВ-маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. 9.00 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Ургутлик кулол». 9.10, 10.25 ТВ метео. 9.15 Болалар учун. «Кўзумчок». 9.35 «Шарки ва Жорж». Мультсериал. 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар 10.05 «Инсон ва замин». 10.30 «Алвон елканлар». Бадий фильм. 11.55, 13.55 ТВ анонс. 12.05 «Сиёсат оламида». 12.25 «Озод юрт одамлари». Бадий-публицистик кўрса-	тув. 12.45 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари». 13.05 «23,5 даражали бурчак остида». Телесериал. 37-қисм. 13.30 «Саҳна ҳаёти». 14.10 «Бешбармоқ». Тележурнал. 14.30 Кундузги сеанс: «Ўғирланган». Бадий фильм. 16.10 «Жавоҳирлар хазинаси». 16.25 «Қўғирчоқлар жонланганда». 16.45 «Соз сеҳри». 17.05 «Кавинтон Кросс». Телесериал. 5-қисм. 18.10 «Саёҳатчи қурбақа». Мультфильм. 18.25 Болалар учун. «Кичкинтоймиз-гизингтоймиз». 18.45 «Авесто»нинг 2700 йиллиги олди-дан. «Мен ҳақиқатни	сўзлагувчиман». 5-қисм. 19.05 «Имконият». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёлонлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртаклари. 20.15 «Тиббиёт одимлари». 20.30 «Ахборот». 21.05 «Ахборот плюс». 21.15 Ўзбекистон халқ ҳофизлари. 21.35 «Таълим тараққиёти». 21.50 «Буюк аждодларимиз». Мотуридий. 2-кўрсатув. 22.15 «Олам». Телеальманах. 22.50 «Ахборот». 23.25-23.30 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканал 8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».	9.40 Минг бир маслаҳат. 10.00 «Давр»-интервью. 10.15 «Озод юрт фарзандлари». Видеофильм. 11.30 «Бўрилар ҳақида ҳақиқат». Ҳужжатли фильм. 11.20 Ёшлар овози. 11.40 Бегойим. 12.00 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 12.25 Мультфильм. 12.35 Интерфутбол. 14.10 Олов билан юзма-юз. 14.25 «Кусто команда-сининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 15.10 «Аёл зоти». Телесериал. 15.40 «Шавкатли рицар Айвенго ҳақида қисса». Бадий фильм. * * * 17.05 Кўрсатувлар дастури. 17.10 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бунима?». 17.30 «Мульттомоша».	18.00 Қўли гул уста. 18.20 Ёшлар овози. 18.40 Одил сўз. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.30 Иқтисод-news. 19.35 Азизим: шахсий масала. 20.05 Автосалтанат. 20.20 Аср қиёфаси. 20.40, 21.15, 22.35 Ёлонлар. 20.45 «Аёл зоти». Телесериал. 21.20 Жар ёқасида. 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.30 Иқтисод-news. 22.35 «Филип Марлоу». Телесериал. 5-қисм. 23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг қироллари. 00.05 «Давр». Ахборот дастури. 00.20-00.25 Мунаввар тонг истаб. «Тошкент» телеканал 17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал:	«Санта-Барбара». 18.00 Болажонлар экран. «Кундуз амакининг ҳикоялари». 9-10 - қисмлар. 18.30, 20.00, 21.15, 22.50 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.45 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда». 19.30, 21.00, 22.20 «Экспресс» телегазетаси. 19.45 «Огоҳ». Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси матбуот маркази хабар қилади. 20.20 ТТВда сериал: «Селеста». 21.30 «Бобур». Видеофильм. 2-қисм. 22.00 «Ҳамшаҳарлар». 22.35 «Саломатлик маскани». 23.10 Кинонигоҳ. «Эдемга қайтиш». 15-қисм. 23.50-23.55 «Хайрли тун, шаҳрим!» «Халқаро» телеканал РЖТ 6.30-8.00	14.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Рэй Бредбери театри». Сериал. 17.00 «Вести». 17.25 «Мухаббат қанотлари». Сериал. 18.10 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви. 18.25 Ҳужжатли детектив. 19.00 «Мухаббат замини». Сериал. 20.00 «Мўъжизалар майдони». 21.00 «Время» 21.35 «Ўз-ўзига режиссёр». 22.20 «Кўнгил-кўнгилга пайванд». Шоу дастур. 22.50 «Дурдаршан». 23.15 Кинонинг олтин асри: «Ёмғирда қуёловчи». Бадий фильм. 00.55 «Ахборот» (рус тилида) 1.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»
--	---	--	--	--	--	---

SHANBA 3 «Ўзбекистон» телеканал 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. 8.55, 11.05 ТВ метео. 9.00 «Хидоят сари». 9.20 «Зийнат». 9.35 «Шарки ва Жорж». Мультсериал. 10.25 «Бахтимизга омон бўлинг». 10.45 «Маърифат». Телеальманах. «Тирк сайёра» кинодастури: 11.10 «Мовий уммон қаърида». Ҳужжатли фильм. 5-қисм. 12.00 «Шоирлар - болаларга». С. Барноев. 12.30 «Спорт шанбадан шанбагача». 12.50 «Ахборот плюс». 13.00 ТВ-1 кинотеат-	ри: «Тошда ҳам дарахт ўсади». Бадий фильм. 1-қисм. 14.05 «Дўстлик» видеоканали: «Меҳрангез», «Жетиген». 14.25 «Тошда ҳам дарахт ўсади». Бадий фильм. 2-қисм. 15.40 «Диёрим Ўзбекистоним». 16.05 ТВ анонс. 16.10 «Сохибқирон». Ўзбек Миллий академик драма театрининг спектакли. 1-қисм. 17.30 «Мўъжизалар майдончаси». Телевизион ўйин. 18.25 «Фламинго». Киноқўрсатув. 18.45 «Музыка; кеча ва бугун». 19.05 «Санъат олами». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида)	20.00 Оқшом эртаклари. 20.15 «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот». 21.05 «Она ва бола» давлат дастури - амалда. «Соғлом авлод - бу бизнинг келажагимиз». 21.25 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи». 22.40 «Шанба оқшомида». 23.05 «Ахборот». «Тунги ёғду» кинодастури: 23.40 «Самодаги пойғалар». Бадий фильм. 1-қисм. 1.15 -1.20 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканал 7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 «Давр тонги». 9.00 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бунима?». 9.20 «Мульттомоша». 9.50 Жаҳон жуғрофияси. 10.40 Аср қиёфаси.	11.00 Бола тилидан. 11.30 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 11.55 Лаззат. 12.15 Ринг қироллари. 13.15 Ёшлар овози. 13.35 Азизим: шахсий масала. 14.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис. 14.45 Чемпион сирлари. 15.05 «Аёл зоти». Телесериал. 15.35 Мультфильм. 15.50 Маҳаллада дув-дув гап. 1-қисм. 16.30 Буюк аждодларимиз. 16.40 «Маҳаллада дув-дув гап». 2-қисм. * * * 17.20 Кўрсатувлар дастури. 17.25 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма». 17.45 Мульттомоша. 18.00 Интернет-Осиё. 18.15 Саломатлик сирлари. 18.35 Ёшлар овози. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». Ахборот	дастури. 19.30 ТВ-анонс. 19.35 Каталог. 19.45 «Давр»-интервью. 20.00 Футбол-плюс. 20.20, 21.15, 22.35 Ёлонлар. 20.25 «Жули Леско». Бадий фильм. 1-қисм. 21.20 Ёски альбомдан. 21.25 Кутилмаган меҳмон. 21.45 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.35 «Филип Марлоу». Телесериал. 6-қисм. 23.00 Кинотақдим. 23.20 «Адоқсиз йўл». Бадий фильм. 00.50-00.55 Хайрли тун! «Тошкент» телеканал 17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда». 18.05 Мультфильм. 18.20 «Хусусийлаштириш: кадам-бақадам». 18.40 Болажонлар экран. «Буратионинг саргузаштлари». 1-қисм.	19.45, 20.45, 22.55 «Экспресс» телегазетаси. 20.00 «Пойтахт шарҳи». 20.20 «ТВ плюс». 21.00 «Жаҳон географияси». 21.55 «Нима учун?» 22.15 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 23-қўй. 23.10 «Спорт-тайм». 23.30 Кинонигоҳ. «Сизтлдаги бедорлар». 1.00-1.05 «Хайрли тун, шаҳрим!» «Халқаро» телеканал 9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 «Саёҳатлар олами». 9.20 «Кино сайёраси». 9.40 «Дурдаршан». 10.05 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал. 10.10 Е. Петросяннинг Кулги панорамаси. 10.45 «Смак». 11.05 «Инглиз тили Сиз учун». Болалар учун кўрсатув. 11.30 «Экран зийнати	ва киймати». 11.50 «CFI янгиларлари». 12.00 Кундузги сеанс: «Тўлқин». Бадий фильм. 13.45 Дўстлик видеоканали: «Умид», «Чинсен», «Ягона оилада». 14.45-15.15 «Неми - тили». * * * 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Бинафша». 18.20 «КВН» 40 йил лавҳалари. 20.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин. 21.00 «Время» 21.40 «Аншлаг». 22.35 «Мюзик-холл». 23.00 Кинематограф. «Рух». Бадий фильм. 1.00 «Ахборот» (рус тилида) 1.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»
--	--	--	--	--	--	--

YAKSHANBA 4 «Ўзбекистон» телеканал 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастури. 9.05 «Фаройибот». 9.20, 11.20 ТВ метео. 9.25 «Шоҳрух клуби». 9.45 «Мумидолга куз келди». Мультфильм. 10.00 «Ватанимга хизмат қиламан». 11.00 2001 йил - Оналар ва болалар йили. «Бола бошидан». 11.25 «Фликнинг саргузаштлари». Мультфильм. 12.55 «Бу ажиб фасл». Телеальманах. 13.15 ТВ-1 кинотеатри: «Қўринмас	одам». Бадий фильм. 14.40 «Қалб гавҳари». 15.00 «Мўъжизалар майдончаси». 15.55, 17.10, 17.45 ТВ анонс. 16.00 «Муҳофаза». 16.10 «Сохибқирон». Ўзбек Миллий академик драма театрининг спектакли. 2-қисм. 17.15 «Кўҳна замин оҳанглари». 17.50 «Инжиқ малика». 18.00 «Ўй бекаси». 18.20 «Олтин тож». Телевизион ўйин. 18.45 «Қишлоқ ҳақида ўйлар». 19.05 «Тўртинчи ҳокимият». 19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Ёлонлар. 19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида) 20.05 Кинокомпозиция. 20.30 «Таҳлилнома». 21.15 «Якшанбада сиз	билан бирга». 21.45 ТВ-1 намоиш этади. Якшанба кинозали: 22.00 Кино янгиларлари. 22.20 «Самодаги пойғалар». Бадий фильм. 2-қисм. 23.55-00.00 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканал 7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 «Давр тонги». 9.00 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма». 9.20 Мульттомоша. 9.35 Табобат оламида 9.55 Футбол плюс. 10.15 «Давр»-интервью. 10.30 Болалар экран. «Қувнок сеҳрларлик». 11.35 Ёшлар овози. 11.55 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 6-қисм. 12.20 «Ёшлар» телеканалда ҳарбий-ватанпарварлик	дастури: Марди майдон. 12.40 Очил дастурхон. 12.55 Синфдош. 13.15 Интерфутбол. 14.50 «У замонлар ўтиб кетди». Бадий фильм. 16.05 Спорт ҳафтано-маси. 16.20 «Хандалак». Тележурнал. 16.45 Қишлоқдаги тенгдошим. * * * 17.05 Кўрсатувлар дастури. 17.10 Мультфильм. 17.45 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси». 18.05 «Учинчи сайёра» маърифий дастури. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр»-news. 19.20 ТВ-анонс. 19.25 Очун. 19.45 Якшанбада қўришгунча. 20.00 Ўзбек мумтоз шеърятидан. 20.05, 21.00, 22.40	Ёлонлар 20.10 «Жули Леско». Бадий фильм. 2-қисм. 21.05 Буюк аждодларимиз. 21.15 «Зинама-зина» интеллектуал ўйини. 21.45 Олтин мерос. 22.00 «Давр» ҳафта ичида. 22.45 «Саргардон рух». Бадий фильм. 00.15-00.20 Хайрли тун! «Тошкент» телеканал 17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда». 18.05 Болалар учун. «Куралай». 18.25 «Мисли гавҳар». 18.45 Болажонлар экран. «Буратионинг саргузаштлари». 2-қисм. 19.55, 21.00, 23.05 «Экспресс» телегазетаси. 20.10 «Ёднома». 20.35 «Ёшлар ҳудуди».	21.15 «Давлатимиз қонунчилиги». 21.30 «Жаҳон географияси». 22.25 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 24-қўй. 23.20 «Телефакт». 23.30 Кинонигоҳ. «Анойи». 1.00-1.05 «Хайрли тун, шаҳрим!» «Халқаро» телеканал 9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 «Кайфият» дам олиш дастури. 10.05 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал. 10.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари». 10.30 «Ҳамма уйдалигида». 11.05 «КВН-2001». Биринчи ярим финал. 13.30 FCN «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз тилида) 13.40 Болалар соати: «Робин Гуд». Бадий	фильм. 15.00 «Парле ву франсэ?». 15.25-16.05 «Дўстлик» видеоканали: «Маврид», «Дидар». * * * 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Билишни истайман». Болалар учун дастур. 18.30 А. Рогожиннинг «Зарбдор куч» комедияси. 19.25 «Тенгдошлар». * 20.00 Хулио Эглессиас концерт Аргентина * 20.55 «Британия кундалиги». 21.15 «Кинопрофи». 21.35 «Йил қўшиқлари». 22.55 Кинематограф. «Ракс қироли». Бадий фильм. 23.55 «Таҳлилнома». 00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»
---	--	---	---	--	---	--

Сиз нима дейсиз?

Инсоннинг феъли қизиқ. Етти иқлимда йўқ нарсаларни ўйлаб чиқариб, удумга киритишга ҳаракат қилади. Бозорнинг киндигини кесган айрим савдогарларнинг фикрича, беқасам тўн эндиликда оёқдан қолди. Нега? Чунки, бели бақувват кишиларнинг дилига унча ўтиришмай қолганмиш. Бу бозорнинг фалсафаси. У ҳақиқатта тўғри келадими, ўзгарадими, яна билмадим.

«БОЗОР КЎРГАН» ЧОПОНЛАР

Яқинда бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Чопон бозорида харидор бир қарашдаёқ киши эътиборини тортадиган чопонларни олиб, уёқ, бу ёғини кўздан кечириб бошлади. Кейин сотувчига юзланиб:

— Акахон, шунга ўхшаш чопонларингиздан яна борми? — деб сўради.

— Бор, бор, мана, марҳамат, деди сотувчи йигит ва катта тўпдан чопонларни олиб кўрсата бошлади, — нечта керак?

Харидор ёнида икки қўлида пул чангаллаб турган ўзидан ёшроқ йигитдан нималарнидир сўради. Кейин сотувчига юзланди.

— Ўттизта.

— Кўнглингизга ёқганини шу тўпдан ахратиб бераман.

— Мана бу чопонлар-чи? — харидор биринчи бўлиб кўрган тўнларга ишора қилди. — Бирор

кишига олиб қўйганмисиз?

— Йўқ, — кулди сотувчи. — Боя бир танишим ташлаб кетганди. Нима десам экан, бозор кўрганда.

— Аввал харид қилинган. Кейин яна олиб келинган демоқчиси-да.

— Шундай. Лекин кийилмаган. Истасангиз, уларни ҳам олишингиз мумкин.

«Бозор кўрган» сўзини эшитдим-у, кўз ўнгимда ўнлаб тўнларни кўрган, тирсиллаган думбасини зўрға кўтарадиган кўчорлар жонланди. Одамлар қизиқ-да. Тўйга келган масалликлар эмас, аввало куёв тараф қандай қўй қилганлигига қараб қуда томонининг ҳимматига баҳо беришади. Шундан ҳам ўғил уйлантираётган томонга нима қилиб бўлса ҳам бозорнинг олди кўчорини сотиб олишни маслаҳат беришади.

Никоҳ тўйида шундай кўчорнинг харидори ҳам дарров топи-

ла қолади.

Шундай қилиб, серсавлат кўчор чархпалакнинг паррагидек бозордан-бозоргача айланаверади. Бундай ҳолни кўп кўрганмиз. Аммо, чопонларнинг бозор кўришидан беҳабар эканман.

Айрим одамлар кийилмаган ва ўзига зарур бўлмаган тўн ва чопонларни бозорга олиб чиқиш ҳоллари маълум. Шу фикрларни дилимдан ўтказиб тургандим, ҳамроҳим гап бошлаб қолди.

— Яқинда бир дўстимнинг маъракасида бўлдим. Қуда бадавлат, ўғиллари амалдор, тижоратчилар. Чопон кийдиришни менга юкледи. Эшиги олдида тўнлар хирмони ҳосил бўлди. Хуллас, чопон кийдиравериб қўлим толди. Охири эгаси келмаган мана бу чопонни менга кийдириб юборди...

Тўғри, юртимизда тинчлик, эркинлик, истаган нарсамуҳайё, халқимиз меҳмондўст, тоғанини тўй-ҳашамларга ишлатиш азалдан қолган одат. Баъзи кишилар серуруғ, ошна-оғайниси, ёру-биродари кўп. Тўй баҳона уларнинг кўнглини олишга ҳаракат қилади. Шунда ҳам ҳамма нарсамеъёрида бўлгани афзал. Бозор иқтисодиёти даврида ҳамманинг ҳам бундай иш юритишга қурби етмаслиги аниқ.

Биз бозорда кўнгилдан кечган гапларни қоғозга туширдик, холос. Дабдабали тўй қилган, кўплаб чопон кийдираётган бирор кимсанинг номини ҳам манзилгоҳини ҳам келтирмадик. Фақат гап эгасини топар деган ниятдамиз. Пешона тери, ҳалол меҳнати эвазига тўй қилаётганлар эса, меъёр, раъмад нима эканлигини яхши билишади.

Карим РАХИМ.

Ҳамкорлик

Ўзэкспомарказда «Ўзбек-туризм» миллий компанияси, Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ҳамда Буёк Британиянинг «ITE Group Plc» кўргазма компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган навбатдаги Тошкент халқаро туристик ярмаркаси ниҳоясига етди. Унда Австрия, Германия, Италия, Таиланд, Ҳиндистон, Туркия каби йиғирмага яқин мамлакатнинг қарийб икки юзта компания ва фирмаси қатнашди.

Халқаро кўргазма яқунланди

Уч кун давом этган мазкур йирик сайёҳлик анжумани иштирокчилари жаҳон туризмнинг илғор ютуқлари ва истиқболлари, тўпланган ибратли тажрибалар хусусида фикр алмашди. Кўплаб нуфузли компаниялар ўртасида ўзаро манфаатли шартномалар имзоланди. Шу билан бирга, бу соҳада эндигина фаолият бошлаган хусусий фирма ва меҳмонхоналарнинг тақдимо-

ти уюштирилди.

Энг асосийси, хорижлик меҳмонлар дунёдаги ҳозирги нотинч вазиятда она заминимиз тинчлиги ва оқойишталигига бевосита гувоҳ бўлибгина қолмай, шу осуда осмонимиз остида бир неча кун мобайнида қизгин ва самарали ишлади, хордиқ ҳам чиқарди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Етти синглим бор. Ҳар бирининг номи ўзи каби чиройли. Билмадим, баҳорда туғилгани учунми ёки баҳорнинг гўзал гули каби ардоқли бўлсин дебми, улардан бирига отаонамиз Лола деб исм қўйишган.

Буни қарангки, шу синглим болалигидан исмига мутаносиб нарсаларга ўч ўсди. Ҳатто, турмушга чиқиб, бир неча болали бўлганда ҳам, шу одатларига содиқ қолди. Гуллар ичида энг хуш кўргани — лола. Лоланусха газмоллардан кийим кийишни ёқтиради. Лолагулли чинилар тутишни афзал кўради. Уйидаги гиламдан пардагача, қўйингки, дастурхону сочиғигача, ақалли, нақшининг бир бурчида лола рамзи бор.

— Ўзингга қўшиб, уйингни ҳам баҳористон қилиб юборгансанда, — ҳазиллашаман гоҳида.

Синглим ҳам гапда қолишмайди: — Айтишларига қараганда, тушида лола кўрган одам узоқ вақт ҳам кўрмай, беташвиш умр кечирармиш. Уни ўнгидан ҳар кун кўрган одамни-ку асти қўяверинг...

Яқинда уйига бориб, дастурхон олдида ўтишдан олдин кўл чаярканман, кўзуги токча устига терилган чиройли идишлардаги орасталик ва пардоз воситаларига назарим тушди. Уларни бир-бир кўздан кечирарканман, беихтиёр қулиб юбордим:

— Сал эви билан-да, сингилжон. Бу-

ларинг ҳам «Лола» фабрикасида тайёрланган экан-ку!..

— Ҳа, нима қилибди, — ажабланди менга жавобан у.

— Энди, жуда бўлмаса, ўзинг ва қизларинг учун тузукроқ хорижий нарсалар олсанг бўларди.

— Нега, — ўжарлиги тутди синглимининг. — Аввало, кўчадан пул супуриб кел-

лашаман.

— Лола, нима қилибди, — ажабланди менга жавобан у.

— Энди, жуда бўлмаса, ўзинг ва қизларинг учун тузукроқ хорижий нарсалар олсанг бўларди.

— Нега, — ўжарлиги тутди синглимининг. — Аввало, кўчадан пул супуриб кел-

лашаман. Куёвнингиз билан меҳнат қилиб, пешона тери билан пул тоғандан кейин, уни дуч келган нарсага эмас, арзон ва сифатли харидларга сарфлаш керак. «Лола» фабрикасининг маҳсулотлари, шу маънода, айна бизбоп.

— Энди, маҳаллий нарса — маҳаллий-да, — эътироз билдирмоқчи бўлдим мен.

— Йўқ, — деди синглим, — биринчидан ўзимизда тайёрланган маҳсулотлар ичида ҳам яхшиси кўп. Ҳозир, аксинча, импорт буюмлар кўпроқ сифатсиз чиқаяпти. Иккинчидан, сиз кўриб турган нарсалар олдинги «Лола» фабрикасида эмас, мутлақо янги — ҳозиргисида

ишлаб чиқарилган.

— Нима фарқи бор, — кўл силтадим мен.

— Фарқими? Бу корхона шу йил майда Россиянинг «Калина» концерни таркибига қўшилгандан кейин, маҳсулотлари сифати кескин ўзгарди.

Синглимнинг гаплари сабаб бўлиб, «Лола» фабрикаси ишлари билан қизиқиб қолдим. Маълум бўлишича, «Калина» концерни очик ҳиссадорлик жамияти бу парфюмерия — косметика корхонаси акцияларининг назорат пакетига эга бўлган, августдан бошлаб шу йилнинг охиригача 1 миллиард сўмлик 10 миллионга яқин маҳсулотлар ишлаб чиқаришни мўлжаллаётган экан. Бунинг учун бошқарувнинг буткул янги тизими жорий этилиб, ходимлар ўқуви йўлга қўйилди.

Ҳозирча фабрикада «Ялпизли Дентамед», «Хўл мева таъми Дентамед», «Фторомед», «Фтор ва фреш», «Дра-

коша» тиш пасталари, «Жаннат боғи», «Ўрмон дорихонаси» ва «Лимпопо» шампунлари ишлаб чиқарилаётган экан. Шунингдек, «Калина» концернининг машҳур «Велюр», «Силиконли», «Глицеринли», «Лола», «Мўмие» каби қатор кремларини ҳам ишлаб чиқаришга киришилибди. Улар корхонада ўрнатилган, Швейцариянинг «Netstal» компанияси ускуналари ёрдамида бежирим алюмин сикма идишларга ва полистирол банкачаларга жойланаётганмиш. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу маҳсулотларни нафақат ўзимизда, балки Тожикистон, Қирғизистон, Эрон, Покистон каби бир қатор давлатларда сотиш мўлжалланаётганини айтмай-сизми!

Синглим билан суҳбат туфайли яқиндагина бир турдаги паста ва тиш ювиш кукуни-ю бир нечта одеконлар ишлаб чиқаришдан нарига ўтмаган «Лола» фабрикасидаги кўпгина ўзгаришларни билиб олдим-у, дарҳол шу яқиндаги атироқлик дўконига шошилдим. Фабриканинг турли маҳсулотларидан харид қилиб, уйдагиларни бир хурсанд қилгим келди. Маҳсулотлар «Лола»ники бўлса бас. Ўзимизнинг арзон, сифатли ва бежирим орасталик буюмлари турганда, чет элникига на ҳожа!

Убайдулла ХИКМАТОВ.

АЗАМАТНИНГ ТЎРТ ТЎПИ



ФУТБОЛ бўйича мамлакат ўнинчи миллий чемпионатида иштирок этаётган олий табақа жамоалари навбатдаги 31-тур учрашувларини ўтказдилар. Тўққиз ўйиндан биттасидагина меҳмонлар галаба қозондилар. Бир учрашув дуранг натижа билан яқунланди. Дарвозаларга жами 44та тўп киритилди.

«Семурғ» ўз майдонида «Дўстлик»ни қабул қилди. Бирок чемпионнинг ҳужумига қаршилиқ кўрсата олмади. Натижада биринчи бўлимдаёқ ўз дарвозасидан тўртта тўп ўтказиб юборди.

Танаффусдан сўнг ҳам «Дўстлик» ҳужумни бўшаширмади ва киритилган тўплар сонини тўққизтага етказди. Ана шу голлардан тўрттаси Азамат Абдураимовга тегишли. Майдон эгалари учрашув сўнггида икита жавоб тўпи киритишга муваффақ бўлдилар. «Дўстлик» ниҳоят йирик галабани кўлга киритиб, очколари сонини 44тага етказиб олди ва жадвалда бешинчи ўринга кўтарилди.

«Кимёгар» ўз учрашувини Наманганда ўтказди. Ўйин 2:1 ҳисобида «Навбахор» галабаси билан яқунланди. Бу мағлубиятдан сўнг «Кимёгар» 27 очко билан жадвалда 17-ўринга тушиб қолди.

Бекободнинг «Металлург» жамоаси ўз майдонида «Пахтакор» билан баҳс юритди. Майдон эгалари ташаббусни ўз қўлларига олган бўлсаларда, танаффусгача рақиб дарвозасини ишғол қила олмадилар.

Танаффусдан сўнг «Металлург» ташаббусни ўз қўлида сақлашни давом эттирди ва 65-дақиқада Файрат Одилов

сафдошлари ҳужумини самарали яқунлаб, ҳисобни очди. Шундан сўнг меҳмонлар ҳам қарши ҳужумга ўта бошладилар. Охири оқбатда жамоа фахрийси Игорь Шквирин жавоб тўпини киритишга эришиб, ўз жамоасини мағлубиятдан қутқариб қолди. «Металлург» 32 очко тўплаган ҳолда жадвалда 14-ўринга чиқиб олди. Пахтакорчилар эса 57 очко билан ҳамон учинчи ўринни банд этиб туришибди.

Чемпионат пешқадамлари «Нефтчи» ва «Насаф» ўз ўйинларини йирик ҳисобда галаба билан яқунладилар. «Нефтчи» — «Самарқанд-Д» учрашуви 6:3 ҳисобида яқунланган бўлса, «Насаф» — «Турон» учрашувида 6:1 ҳисоби қайд этилди.

Турнинг қолган учрашувлари қуйидаги натижалар билан яқунланди: «Бухоро» — «Трактор» — 2:1, «Қизилқум» — «Академия» — 3:1, «Сурхон» — «Зарафшон» — 2:1, «Андижон» — «Сўғдиёна» — 2:0.

Чемпионатнинг навбатдаги 32-тур учрашувлари 29-30 октябрь кунлари бўлиб ўтади. «Дўстлик» «Сурхон» билан, «Металлург» эса ўз майдонида «Навбахор» билан баҳс юритади. «Кимёгар» ва «Семурғ» дам оладилар.

Талъат ЮСУПОВ.

Олий табақа жамоаларининг 31-турдан сўнг жадвалда тугган ўринлари

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
«Нефтчи»	28	23	3	2	77-21	72
«Насаф»	29	19	5	5	72-40	62
«Пахтакор»	27	18	3	6	55-26	57
«Навбахор»	30	18	1	11	66-43	55
«Дўстлик»	28	13	5	10	64-42	44
«Академия»	28	11	10	7	59-39	43
«Қизилқум»	28	13	4	11	38-31	43
«Самарқанд-Д»	30	13	3	14	53-56	42
«Трактор»	29	11	7	11	49-48	40
«Сўғдиёна»	30	12	4	14	38-44	40
«Андижон»	29	12	3	14	47-49	39
«Бухоро»	28	12	2	14	46-51	38
«Зарафшон»	29	10	6	13	46-46	36
«Металлург»	30	7	11	12	31-55	32
«Турон»	29	8	6	15	33-59	30
«Сурхон»	29	9	1	19	31-65	28
«Кимёгар»	29	7	6	16	27-51	27
«Семурғ»	30	2	4	24	33-100	10

Харид сабоқлари

«Лола» фабрикасида тайёрланган экан-ку!..

Ҳа, нима қилибди, — ажабланди менга жавобан у.

Энди, жуда бўлмаса, ўзинг ва қизларинг учун тузукроқ хорижий нарсалар олсанг бўларди.

Нега, — ўжарлиги тутди синглимининг. — Аввало, кўчадан пул супуриб кел-

лашаман.

Лола, нима қилибди, — ажабланди менга жавобан у.

Энди, маҳаллий нарса — маҳаллий-да, — эътироз билдирмоқчи бўлдим мен.

Йўқ, — деди синглим, — биринчидан ўзимизда тайёрланган маҳсулотлар ичида ҳам яхшиси кўп. Ҳозир, аксинча, импорт буюмлар кўпроқ сифатсиз чиқаяпти. Иккинчидан, сиз кўриб турган нарсалар олдинги «Лола» фабрикасида эмас, мутлақо янги — ҳозиргисида

ХАТЛАРДА КЕЛГАН БАЛО

Афғонистонда бомбалар портламоқда. Абхазияда бир гуруҳ жангарилар бутун Кавказнинг оромини бузмоқда. Бир ёқда террорчилар таҳдид қилишда давом этмоқда. Шундай таҳлико-ли кунларда хат билан бирга бедаво дард одамларга илашаётир. Гап нима ҳақида кетаётганини тушунгандирсиз.

Шу кунгача оммавий ахборот воситалари ёзишига кўра ўндан зиёд одам антракс деб ном олган Сибир куйдиргиси кукунидан халок бўлган. АҚШ пойтахти Вашингтонда почта қутиларидан хат-хабарларни олаётган почтабонларнинг ҳаммаси респиратор ҳамда қўлқоплар билан «куролланишган». Ушбу «хатлар эпидемияси»ни ким бошлади? Ким бошлаган бўлса ҳам, машҳур ҳисоб-китобни тўғри олган кўринади. Кунлар совиғани сари қишки грипп тўлқинлари яна ҳаракатга туша бошлади. Тиббиёт ходимларининг ташвишларига чек йўқ. Чунки, Сибир куйдиргисини гриппдан ажратиш ғоятда мушкул экан.

Ҳозир Америкада «Биодаҳшат» китоби низоҳатда қўлмақўл бўлиб кетди. Унинг муаллифи Кен Алибеков ўз вақтида Сибир куйдиргисини биологик курол сифатида кашф этишда қатнашган. У 1992 йилда Америкага кетиб қолган, ҳозир ўша ердаги «Эдванс биосистемс» фирмасида ишламоқда. Биологик куролларга қарши ҳимоя воситалари ишлаб чиқаришда бош-қош бўлмоқда. Мабодо хонадонингизга шубҳали хат келиб қолса, Алибеков шундай маслаҳат беради: «Конвертни текис жойга қўйинг, унинг устига ҳўлланган латта ёпинг. Дазмолни обдон кизитиб бир дақиқа давомда дазмолланг. Ичидаги кукун хавфсиз холга

келади, бемалол очасиз». Албатта, бу яхши услуб, лекин, барча хатларни дазмоллаб чиқишнинг ўзи бўладими? Ундан кўра почта хоналарига бундан да қулайроқ воситалар ўрнатса бўлмайдими?

«Кўрққанга кўша кўринади», дейди халқимиз. Одатда ҳар қандай дарднинг шифоси

бўлади. Хусусан, Сибир куйдиргисининг ҳам. Лекин, давоси бор экан деб, бепарво бўлиш ҳам ярамайди. Хар қандай шароитда хушёр бўлиш, идрок билан иш юритиш – давр талаби бўлиб турибди. Барча дарднинг давоси – озодагарчилик, маслаҳатга амал қилиш, ўзбошимчилик билан иш юритмаслик эканлигини ҳамма билади. Демак, гап унга амал қилишда.

ҚИСҚА САТРАЛДАР

- Россия махсус хизматлари берган хабарларига қараганда, Чеченистондаги жангариларнинг қўшилмалари яқинда Усама Бен Ладендан ёрдам сифатида 10 миллион долларга яқин маблағ олишди. Бу ерда жойлашган федерал кучларнинг бирлашган гуруҳлари раҳбарияти яқин кунларда жангариларнинг яна фаоллашиб қолишидан ташвишланмоқда.
- «Союз ТМ-33» космик кемаси (унда рус ва француз фазогирлардан иборат экипаж бор), «ЗАРЯ» халқаро космик станцияси билан туташди. Кеманинг станция билан улашими жараёни ойнаи жаҳонда ҳам олиб кўрсатилди.
- Маълумки, бир қанча муддатдан бери Надежда Захарова ўзининг олти ёшли қизи Машани асраб олган оиладан қайтариб олиш мақсадида бошлаган суд жараёни давом этаётир. Яқинда ушбу жараёнинг ҳаками алмаштирилди. Энди иш тезроқ якунига етади деб, умид билдирилмоқда.
- Македснияда давом этган ярим йиллик албан жангарилари билан тўқнашувларда, ушбу мамлакатга 600 миллион доллар миқдорида зарар етказилгани маълум бўлди. Бу Македония ишлаб чиқарадиган ички маҳсулотларининг бешдан бир қисмини ташкил этади.
- Жаҳонга машҳур киноактёр, «Ы операцияси ҳамда Шурикнинг бошқа саргузаштлари», «Бальзаминнинг уйланиши», «Омадли жентелменлар», «Кавказ асираси» сингари эллика яқин фильмларда бош ролларни ижро этган Георгий Визин 84 ёшида ҳаётдан кўз юмди.

ХУҚУҚИНИ ТАЛАБ ҚИЛДИ



Италияда чиқадиган газета-лардан бирининг таҳририятида кўнғироқ жиринглади. Дастакни кўтарган ходимга дарғазаб эркакнинг овози эшитилди. Маълум бўлишича, кўнғироқ қилган киши кеча банкдан 11 миллион лирани ўмарган ўғри экан. Унинг талабини қаранг: «Газета 11 миллион ўрнига, 20 миллион деб ёзиб юборибди. Менга бировнинг ҳақи керак эмас. Бу қаттиқ ҳақорат бўлди, ўз ҳақ-хуқуқимни охиригача ҳимоя қиламан» – деган бу кимса хайриятки, судга бераман деб, дўқ қилмади.

Ажаб савдолар

Ливанда ажойибу-ғаройиб оркестр ташкил топди. Бир қанча маймунлар – турли мусика асбобларига бинойидек куйлар ижро этишмоқда. Бу ансамблнинг бошлиғи, дирижёри ва ҳайвонларни ўргатувчиси Али эл Хабибдир. Унинг фикрича, бу жониворларни пуфлама ва торли мусика асбобларини чапишга ўргатиш осон кечмаган. Лекин, у қилган меҳнатларидан рози. Ҳозир ансамблнинг концертлари-га одам демаганингиз навбат кутиб ётибди.

ҚУВНОҚ ДАСТА



(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ИШЛАРИ

КЎРКУВ ОРОЛИ



Норвегиянинг Кристианстад шаҳри яқинида гаройиб кўл бор. Унда яшовчи оққушларнинг энг қариси – Оскарни томоша қилишга кўплаб одамлар ташриф буюради. Буни қарангки, шу оққушнинг қони қайнаб, қизи ва набиралари билан сайр қилиб юрган аёлга тўсатдан ҳужум қилди-ю унинг елкаларини аёвсиз чўқий бошлади. Шу тариқа аёлни чуқурлиги беш метр сув ичига тушишга мажбур қилди. Бечора аёл кўрққанидан, ҳатто, бир неча марта шўнғишига ҳам тўғри кел-

Жаҳон маданияти юлдузлари

МУҲАББАТ ОШУФТАСИ



Дунёни ўзининг бетакрор роллари билан ларзага солган Элизабет Тэйлор етмиш ёшлигини нишонлади. Унинг айтишича, аёл учун ёши ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Бошқаларни билмадим-у, лекин бу гап Элизабет Тэйлоргагина тегишли. Унинг ажойиб фарзандлари, дилдор набиралари бор. Пули эса, уч марта бу дунёда яшаса ҳам, ортиб қолади. Энг муҳими, у ҳали ҳануз гўзал, соҳибжамол. Ҳаёти гарчи ҳавас қилгулик бўлмаса ҳам, Элизабет хоним бунинг учун тақдирдан миннатдор.

G'aroyibotlar

эҳтиросларга тўлиб тошган, ҳаётга ошuftа аёл, сокингина яшайди деб, ким айтади. «Виржиния Вульфдан ким кўрқади», «Клеопатра» сингари фильмларда бош ролни ўйнаган актриса сокинликка бўйсунадими?

Кейинги йиллар унинг ҳаётида оғир йиллар бўлди. 1994 йилда онаси қазо қилди. Ажралмас дугонаси журналист Чен ҳаётдан кўз юмди. Бу ҳам етмаганидек, Лизнинг миёсида ўсимта борлиги аниқланди. У ҳаёт ва ўлим ўртасида қолди. Ҳайратланарли даражада матонат кўрса-тиб, оғир касаллики энди ва низоҳат ўзининг саккизинчи эри Ларри Фортенски билан ажрашди. У ёлғиз қолди деб ўйлашсизми? Асло. Элизабет Тэйлор «ОИТС»га қарши кураш фондини тузди. Кечаю-кундуз жонини жабборга бериб ишлади.

Бугун етмиш ёшли бу бўйсунмас аёл, Ҳолливуддаги барча ожизаларга ўхшаб абадий ёшлик учун курашга кирди. Албатта, ҳаётга ютқазмасдан иложи йўқ кишининг. Лекин, Лиз ҳали таслим бўладиган эмас. Айтишларича, унинг айнан мана шу матонати, олижаноблиги учун Англия қироличаси Елизавета II Британия ордени билан мукофотлаган экан. Бу орден фақат рицарларгагина берилишини кўпчилик билмаса керак.

Элизабет Тэйлор хоним бир олам режалар билан яшамоқда. Мабодо уни касаллик тўшакка михлаб қўймаса, ҳали кўплаб фильмларда суратга тушажаги аниқ. Шу кеча-кундузда ҳам гўзаллигини йўқотмаган Лиз хоним нафақат кинонинг, балки бетийиқ муҳаббатнинг, эҳтироснинг юлдузи сифатида ҳали бери ўзи забт этган осмондан тушмайдиган кўринади. Айни пайтда, уни шу муҳаббати ёшартириб турган бўлса ҳам, ажаб эмас.

Темир ЙЎЛДОШЕВ.



Франциянинг Бордо шаҳридаги почтахоналардан бирига куролланган талончи бос-тириб кириб кассирдан 20 минг франк талаб қилди. Кассир бунча пул йўқлигини маълум қилганида у, суммани 10 минг франкка камайтирди. Буни қарангки, кассада бу пуллар ҳам йўқ экан. Шунда қуруқ кўл билан қайтишни истамаган талончи, ҳеч бўлмаса биронта қимматбаҳо буюм беришни сўради. Кассир низоҳат бунга рози бўлди. У ўзининг омонат кассадаги пулидан бермоқчи бўлиб, талончининг ҳужжатини сўради. Унда биронта ҳужжат топилмади. Бу гап сўзлар давом этар экан, полиция ҳам етиб келди. Талончининг турмага боришдан бошқа иложи қолмади. Энди унга анча вақтга-ча пул зарур бўлмайди.

ДОНО СЎЗ ДУНЁ КЕЗАР

● Хаёт мисоли кўзгу,
Жилмайсанг — жилмаяр у.

● Қўлинг билан бериб қарз,
Олмадим деб қилма арз.

● Дунёнинг қонуни бу ҳамиша:
Қўрқоқ дерлар, қилсанг андиша.

● Ота уйи — кенжага мерос,
Кенжа тоғдек таянчилиги рост.

● Ёмон сўз умрингга бўлмасин зомин,
Хар сўзга фаришта айтади омин.

● Асалари кўнмаса гулга,
Сен асални топмайсан пулга.

● Елкасига кўнса бахт куши,
Учар кўпда одамнинг хуши.

● Севилишнинг очай сирин:
Бўлсин доим тилинг ширин.

● Тиг яраси битади, инсон,
Тил ярасин битиши гумон.

Жаҳонгир МИРЗААЛИЕВ.

ОНА ВА
БОЛА

Ona va bola,
Gul bilan lola.
Shirindan shakar,
Mehri shalola

Ularsiz hayot,
Bo'lmaz hech obod.
Ular bilan go'zal,
Dunyo, odamzod.

Anvar QURBON.

Bolalik bog'i




Бекажон

ХАЙР, УЙҚУСИЗЛИК

Кўпчилик «бугун кўзим илинмади, ярим кечаси уйғониб кетиб, ухлолмай тонг оттирдим, уйку дорилари ҳам таъсир қилмаяпти» деб, зорланишди. Бунақа пайтларда сира асабийлашманг, худди ухлаётгандек ётаверинг. Уйку ва уйқусизлик бобида мутахассислар қуйидагича маслаҳат берадилар:

- Уйкуга ётишдан олдин асло илҳом бахш этадиган ҳаракатлар қилманг. Ухлаш жисман ва руҳан сокинликни талаб этадиган, аста-секин кечадиган жараёндир. Уйкуга ётишдан олдин асабни толиқтирмайдиган майда-чуйда юмушлар билан банд бўлинг.
- То мудроқ босмагунча, ўринга ётманг.
- Хар куни, ҳатто дам олиш куни ҳам тонгда бир хил пайтда уйғонинг.
- Ҳадеб мудрайверманг. Мудроқ уйқунинг кечилиши бузади, сизни ланж қилади.
- Мабодо уйқусизликни даволамоқчи бўлсангиз, ичимлик ичишни камайтиринг ёки воз кечинг. Соат 16дан кейин сира ҳам қаҳва ичманг.
- Уйкуга ётишингизга тўрт соат қолганда, чекмасангиз яхши бўлади.

Матлуба МАҲМУДУЖАЕВА тайёрлади.



Об-ҳаво Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 27-31 октябрнинг дастлабки кунларида вақти-вақти билан ёққан ёмғир қорға айланиши мумкин. Айрим ҳудудларда кучли ёмғир ёғиши эҳтимоли бор. Шу даврнинг иккинчи ярмига бориб, ёғингарчилик қутилмайди.

Ҳарорат кечалари 3-8, кейинчалик эса пасайиб, 2 даража совуқ, 3 даража илқ бўлади. Кундузги ҳарорат 7-12 даражага етади. Шу даврнинг охирига бориб, кундузги ҳарорат 15-20 даража илиқликни ташкил этади.

Тошкент шаҳар ҳоқими маҳкамасининг коммунал мулкчилик ва хусусийлаштириш бош бошқармаси томонидан Эшмухамедов Раъшон Позилжоновичга 1994 йил 21 февралда берилган уй-жойни шахсий мулк эканлигини тасдиқловчи 10-01/21524 рақамли давлат далолатномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманидаги «HUQUQ ZIYOSI» масъулияти чекланган жамиятига тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ирода хўрознинг қичқиршидан уйғониб кетди. Кўзларини ишқаб соатга қаради: роппа роса олти. Эринчоғлиги тутди: «Қанийди яна бироз мизғиб олсам». Шунда хаёлига раҳматли бувисининг: «Қизим икки қулоғингга қуйиб ол, ҳамиша ёдингга тут: саҳар турганинг хосияти катта» деган гапи келди. Ирода ёшлигида бувисидан кўрқарди. Иродани кўрди дегунча олдиға ўтқазиб оларди-да қалин қошларини чимириб, жиддий қиёфада ҳар доимги насиҳатини бошларди.

Унинг чертиб-чертиб гапиришидан Ирода ҳайиқар, назарида бувиси тергаётгандай туюларди. Ўртоқлари чақираётганини баҳона қилиб кўчага чопарди. Энди Ироданинг ўзи она бўлди, ҳаётда озми-кўпми ташвишли кунларни бошидан кечирди. Энди билса бувижониси болам келажакда қийналмасин, ўғилларим қийин дамларида асқотсин деган экан-да. Шуларни уйларкан Ирода бувисининг иссиқ бағрини кўмсади...

Бувисининг тўрдаги осиглиқ суратига қаради. Назарида бувиси «Турмайсаним, кун ёришиб кетди-ку» деб тергаётгандай туюлди-ю, дик этиб ўрнидан турди. Юз-қўлини ювиб, чакқон ҳаракатлар билан ҳовли юзини супура бошлади. Ҳали ишга кетишига вақтли, лекин катта ҳовлида кизи билан ўзидан бўлак ҳеч кимса йўқ. Уйнинг иши ҳам, рўзғор ҳам, қўйларга емни бериш, сигирни соғиб олиш, товуқларга дон бериш — ҳамма-ҳаммаси унинг бўйнида. Ҳали кизчасини боғчага ҳам ташлаб ўтиши керак. Бу кундалик юмушларнинг барига улгуради, чарчаш нималигини билмайди. Балки бу чидамлиликни унга ҳаётнинг ўзи ўргатгандир.

Ирода энди балогат ёшига етай деганда онасидан жудо бўлди. Бу мусибатни кўтаролмай меҳнатда чиниққан билалари бақувват бувиси ҳам бир ой демай тўшакка михланиб ётиб қолди. «Боложоним, — деганди у ўшанда Ироданинг сочларини силаркан, — инсон ҳеч қачон меҳнатдан ўлмайди. Лекин мана-ман дегани ҳам ғам йиқитади, ёлғизлик адо қилади. Илоё ҳеч қачон ёлғизлик кўрмагин» деб дуо қилганди бувижониси.

Ирода бувисининг ўлимидан сўнг ўзини жуда ёлғиз сизди. Сўнг узок бир қариндошлари қўшни қишлоқлик ҳоласининг қўлида тарбия кўрган йигитга узатишди. Тўйдан сўнг хола бир ой улар билан яшади-да: «Энди ҳовли-жой, рўзғор ўзларингга буюрсин. Мен ўз бурчимни бажардим», дея хайр-хўш қилиб уларни ёлғиз ташлаб чиқиб кетди. Ирода бир

йил эри билан аҳил яшади. Сўнг Ёдгорбек Тошкентга ўқишга кетди. Ирода яна ёлғиз қолди. Бу орада қизчали ҳам бўлди. Эри тез-тез келиб уларнинг ҳолидан хабар олиб турар, рўзғор учун пул ҳам ташлаб кетарди. Бора-бора Ёдгорбекнинг оёғи ҳам узилиб қолди. Кизчаси уч ёшга тўлгунга қадар бор-йўғи беш-олти марта келиб кетди. Ота меҳрига зориқиб ўсганиданми Иқболхон ҳам ундан бегонасирарди.

Ирода барча қишлоқ аёллари каби содда ва бегубор. У эрини

ўтди. Сумкасидан эрининг хатини олиб қайта ўқиб чиқди. Ёдгорбекнинг «Қизингни олиб кўчиб кел» деган сўзлари вужудини жимирлатгандай бўлди. Худди эри бу билан «сени соғиндим, сизларсиз яшаёлмайман» деяётгандай туюлдию кундузги ташвиши ўрнини ҳаяжон эгаллади. «Кетаман, — қатъий пичирлади Ирода, — эримнинг олдиға кетаман».

Ирода билан Иқболхонни ҳам-қишлоқлари, дугоналари ачиниш ҳамда ҳавас билан кузатиб қолишди. Эрининг уйига, тўғрироғи тор, диққинафас хонали ётоқхонага келганига ҳам бир йил бўлиб қолди. Иқболхонни завод боғчасига жойлаштиришди. Эри эрталаб кетиб кечкурун қайтар, кўпин-

чалик ширакайф кириб келарди. Бу ерда рўзғорлари ҳам ночор. Битта эрининг топгани нима ҳам бўларди. Иқболхон кенг ҳовлида ўсгани сабабими, ҳар куни сут-қаймоқ, боғидаги мева-чева-ларнинг таъмини соғинганданми: «Ойижон кетамиз, қишлоққа кетамиз» дегани-деган. Ирода кизини уришади-ю, лекин ўзи ҳам ич-ичидан кетгиси келарди.

Ҳомиладор бўлганидан бери сигири хаёлидан кетмайди. Қаймоғи олинмаган сутнинг ҳумори тутиб кетади. Эрини кўзи қиймаганидан дардини сиртга чиқармайди. Бугун ҳам эри ишга кетди, кизини боғчага ташлади. Тор хона худди ютиб юбораман дейди-я. Кўчага чиқиб айлансам-микан дея ойнадан ташқарига разм солди. Ётоқхона ҳовлиси ер билан битта бўлиб хазонга беланган. Ироданинг таъби хиралашди. Кенг ҳовлисини кўмсаб қўлига супургини олиб кўчага тушди. Супурган сари кайфияти кўтарилгандай бўлди. Баргларнинг шитир-шитири қишлоғини эслатгандай бўлди. Фойибдан келган овоздан чўчиб тушди:

— Аҳмоқ!!!

Ҳали қарашга ҳам улгурмаган эди қўлидан супургисини кимдир юлиб олди-да жahl билан улоқтирди. Тепасида эри Ёдгорбек дарғазаб қараб турарди. У чирс этиб ерга тупурди-да ётоқхона дарвозасидан кириб кетди. Ирода хайрон бўлиб эрининг ортидан эргашиди. Хонага кирган ҳам эдики, Ёдгорбек вазоҳат билан қўлини паҳса қилиб ўшқирди:

— Номусларга ўлдирдинг-ку аблах!

— Ҳа, нима қипман? — Ирода кўзини жавдиратиб сўради.

— Нима қилганинг бу! Кўрган-

хали қарашга ҳам улгурмаган эди қўлидан супургисини кимдир юлиб олди-да жahl билан улоқтирди. Тепасида эри Ёдгорбек дарғазаб қараб турарди. У чирс этиб ерга тупурди-да ётоқхона дарвозасидан кириб кетди. Ирода хайрон бўлиб эрининг ортидан эргашиди. Хонага кирган ҳам эдики, Ёдгорбек вазоҳат билан қўлини паҳса қилиб ўшқирди:

— Номусларга ўлдирдинг-ку аблах!

— Ҳа, нима қипман? — Ирода кўзини жавдиратиб сўради.

— Нима қилганинг бу! Кўрган-



Ҳикоя

кўмсардию, лекин ич-ичидан уни тушунарди. «Эрим шўрликка ҳам қийин, — дерди дугоналарига, — мен-ку кенг ҳовлида жайраб яшайман, ҳар куни сигирим беминнат сут-қатик бериб турса. У бечора каталакдек хонада яшар эмиш. Кундузи ишлайди, кечаси ўқишга чопади». Аслида Ёдгорбек ўқишга қиролмаган эди. Заводга ишга кириб, ишчилар ётоқхонасида кун кечирарди. Шаҳарнинг қайноқ ҳаёти, ётоқхонадаги ўйин-кулги, бекарорлик унинг кўнглига хуш ёқарди. Худди қишлоғига қайтса умри рўшнолик кўрмай ўтадигандек кўрқиб кетарди. У ўз киндик қони тўкилган юрда меҳнат қилиш, яшаш, бахтини ўз оила-сидан топишнинг нақадар лаззатлилигини тушуниб етмайдиганлар тоифасидан эди.

Ирода ўзи ишлайдиган ишхонасига, яъни қишлоқ почтасига иш вақти бошланмай етиб келди. Келган хатларни ажрата туриб, кўнгли хапқириб кетди. Эридан келган хатни шоша-пиша очиб ўқишга тушдию ҳафсаласи пир бўлди. Ҳар доимгидай қуруқ-қина сўзлар ёзилган. Ёдгорбек ўз хатида ўзининг тинмай меҳнат қилаётганини, еб-ичишдан бироз қийналаётганини ёзганди. Хат охирида эри «Сен ҳам қизингни олиб кўчиб кел» деб ёзибди. Ирода худди ҳозироқ кетиб қоладигандек ваҳимага тушиб шошиб қолди. «Агар кетсам ҳовлига ким қарайди, сигиримнинг аҳволи нима кечади?» Кун бўйи хаёли паришон бўлиб, қўли ишга ҳам бормади. Шунча пайтдан бери ёлғизлигини энди ҳис қилгандай бўлди.

Қизи ширингина ухлаб ётибди. Ироданинг эса ухлагиси йўқ. Ўрнидан туриб бошқа хонага

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТОШКЕНТ ШАҲАР ПРАВА

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълолар:
133-40-48, 136-57-27.

Манзилими:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида 8 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер
марказида тарқилиб ва
созилган.

● Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда да-
лилларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.